// ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ

14-сон (358) 2009 йил 6 апрель

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ

**14-сон (358)**
**2009 йил**
**6 апрель**

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

## МУНДАРИЖА

*Иккинчи бўлим*

154. «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 мартдаги ПҚ–1083-сон қарори

155. «Агробанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 мартдаги ПҚ–1084-сон қарори

156. «Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси тизимида юқори технологияли телерадиоускуналардан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 1 апрелдаги ПҚ–1088-сон қарори

*Учинчи бўлим*

157. «Турар жой ва кичик бизнес объектлари учун қурилиш материаллари сотиш бўйича фирма дўконлари тармоғини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 28 мартдаги 87-сон қарори

158. «Агробанк» акциядорлик тижорат банки фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 мартдаги 89-сон қарори

159. «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкининг фаолиятини ташкил этиш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 мартдаги 90-сон қарори

160. «Ободонлаштириш ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 1 апрелдаги 91-сон қарори

161. «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш масалалари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 1 апрелдаги 92-сон қарори

163. «Маҳаллийлаштириш дастурига тузатишлар киритиш механизмини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 2 апрелдаги 94-сон қарори

164. «Банкрот бўлган «Ўзбекқишлоқмаш» ОАЖ корхонаси номенклатураси қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқаришини сақлаб қолиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 2 апрелдаги 95-сон қарори [Кўчирма]

*Бешинчи бўлим*

166. «Табиий монополия субъектларининг Давлат реестрини тузиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2009 йил 23 февралдаги 7-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 30 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1930*)

167. «Ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат

божхона қўмитасининг 2009 йил 10 мартдаги 32, 69, ЭГ-01/10-1559, 2009-16, 01-02/8-5-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 31 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1932*)

168. «Хусусийлаштириш инвестиция фондининг намунавий эмиссия проспектига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази, Молия вазирлигининг 2009 йил 25 мартдаги 2009-23, 40-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 31 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 644-1*)

169. «Адвокатлик гувоҳномаси ва адвокатларнинг давлат реестрларини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2009 йил 31 мартдаги 85-мҳ-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 31 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1933*)

170. «Электр-энергетика ишлаб чиқариш корхоналари ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг Намунавий меъёрларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 16 мартдаги 12/Б-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 2 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1934*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2009 йил 28 мартдан 3 апрелгача бўлган маълумот

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### 154 «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида

Қишлоқ қиёфасини ва қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитларини сифатли яхшилаш, қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш, уй-жой қурилишини узоқ муддатли имтиёзли кредитлаш тизимини кенг жорий этиш мақсадида ҳамда тасдиқланган «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурига мувофиқ:

1. «Ғалла-банк» акциядорлик тижорат банки акциядорлари қарори ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Марказий банкининг:

«Ғалла-банк» акциядорлик тижорат банки негизида «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисидаги;

«Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банки устав капиталини 150 млрд. сўм миқдорида шакллантириш, улушларни унинг акциядорлари орасида иловага* мувофиқ тақсимлаш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Белгилансинки, «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки очиқ акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилади ҳамда мулкий, молиявий ва бошқа мажбуриятлар, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларини сақлаш ҳамда ўз вақтида қайтаришни кафолатловчи талаблар бўйича«Ғалла-банк» акциядорлик тижорат банкининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

2. «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

уй-жой-коммунал, ижтимоий соҳа ва қишлоқ аҳоли пунктларини ободонлаштириш борасидаги эҳтиёжларни амалга оширишда аҳоли ҳамда юридик шахсларга кредит бериш ва банк хизмати кўрсатиш;

қишлоқ жойларда тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш ҳамда таъмирлашни амалга оширадиган ихтисослаштирилган пудрат ташкилотларга кредит бериш ва лизинг хизматларини кўрсатиш;

янги, замонавий қурилиш материаллари ва конструкциялари ишлаб чиқарадиган, тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича қишлоқда объектлар қуришнинг индустриал ва йиғма технологияларини жорий этадиган барча

---

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

мулкчилик шаклидаги корхоналарга кредит бериш ва комплекс тарзда банк хизматларини кўрсатиш;

қишлоқ қиёфасини сифатли яхшилашни, қишлоқ жойларда муҳандислик ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва такомиллаштиришни, жумладан, йўллар, энергия ва сув таъминоти тизимлари, қишлоқ врачлик пунктлари, мактаблар, болалар спорти объектларини реконструкция қилиш, қишлоқ аҳоли пунктларини транспорт коммуникациялари, ичимлик суви, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси объектлари, телекоммуникация тармоқлари билан таъминлашни назарда тутган ҳолда инвестиция фаолиятини олиб бориш, шунингдек лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни молиялаштириш;

универсал тижорат банки сифатида юридик ва жисмоний шахсларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибдаги бошқа комплекс банк хизматларини кўрсатиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банкининг «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкининг ресурс базасини қуйидагилар ҳисобидан қўшимча шакллантириш манбалари борасидаги таклифлари қабул қилинсин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг йиллик 3 фоизли фоиз ставкаси бўйича ва 2010 йилда Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига ажратмалар ҳисобидан 5 йил имтиёзли давр билан 170,0 млрд. сўмгача миқдорда камида 15 йил муддатга бериладиган мақсадли кредит линияси;

халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий молия-кредит тузилмаларининг мақсадли, узоқ муддатга мўлжалланган имтиёзли кредитлари, инвестициялари ҳамда грантлари;

«Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки томонидан қўшимча чиқариладиган акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни юридик ва жисмоний шахсларга сотишдан тушадиган маблағлар.

4. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан, шу жумладан «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкининг устав капиталини шакллантириш учун ажратиладиган маблағлар тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилишини молиялаштиришга мақсадли тарзда йўналтирилади;

жисмоний шахсларга намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 50 фоизи миқдоридаги фоиз ставкаси билан энг кам иш ҳақининг 1000 бараваригача миқдорда 15 йил муддатгача кредитлар берилади;

лойиҳаларни банк томонидан бозор шартлари асосида жалб этилган маблағлар ҳисобидан молиялаштириш ҳамда бошқа банк хизматларини кўрсатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тижорат асосида амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Молия вазирлиги ва Марказий банк билан бирга-

ликда банкнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш учун халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий молия-кредит тузилмаларининг имтиёзли кредитлари, инвестициялари ҳамда грантларини жалб этишда «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкига кўмак берсин.

6. «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки фойда ва мулк солиғи, шунингдек олиб келинадиган банк жиҳозлари ва техникаси учун божхона тўловлари тўлашдан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) 2012 йилнинг 1 январигача озод этилсин, бўшайдиган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг банк устав капиталидаги улушини кўпайтиришга мақсадли тарзда йўналтирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ўн кун муддатда «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки Кенгашининг шахсий таркибини ва филиал шохобчалари жойлашувини тасдиқласин;

бир ой муддатда тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилишини кредитлаш тартибини тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Адлия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М. Муллажонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 30 март,
ПҚ–1083-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## 155 «Агробанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида

Иқтисодиётнинг аграр секторини янада барқарор ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни изчиллик билан чуқурлаштириб бориш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, унинг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишловчи замонавий корхоналарни жадал барпо этиш, юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича замонавий технологиялар ва ускуналарни татбиқ қилиш ҳамда ички бозорни маҳаллий озиқ-овқат товарлари билан тўлдиришга йўналтирилган кенг турдаги банк хизматларини кўрсатиш мақсадида:

1. «Пахтабанк» акциядорлик тижорат банки акциядорларининг уни «Агробанк» акциядорлик тижорат банки этиб қайта ташкил қилиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Белгилансинки, «Агробанк» АТБ очиқ турдаги акциядорлик жамияти шаклида ташкил қилинади ҳамда мулкий, молиявий ва бошқа мажбуриятлар бўйича, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағлари сақланиши ва ўз вақтида қайтарилишини кафолатловчи талаблар бўйича «Пахтабанк» АТБнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

2. Қуйидагилар «Агробанк» АТБнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликларига кредит бериш ва комплекс тарздаги банк хизматлари кўрсатиш;

қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилари, барча мулкчилик шаклидаги корхоналар, шу жумладан пахта ва ғалла маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, ташиш ва сотишга ихтисослашган пахта тозалаш ва донни қайта ишлаш саноати корхоналарига кредит бериш ва молиялаштириш механизмларини изчил такомиллаштириб бориш;

ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, агросаноат комплекси тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилашга, замонавий чет эл технологиялари ва ускуналарини жалб этишга йўналтирилган фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш, шу асосда юқори сифатли, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш, ички истеъмол бозорини маҳаллий озиқ-овқат товарлари билан барқарор тўлдириш;

банкнинг шахсий ресурсларини сафарбар қилиш, омонатлар ва депозитларнинг янги жозибадор турларини таклиф этиш йўли билан аҳоли ва корхоналарнинг маблағларини жалб қилиш, улардан самарали, шу жумладан инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда самарали фойдаланиш, қўйилган маблағлар ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилишини таъминлаш;

халқаро молия институтлари ва етакчи хорижий банкларнинг имтиёзли

кредитлари, инвестициялари ва грантларини жалб этиб, кейинчалик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилари ва республика иқтисодиёти агросаноат сектори корхоналарини ана шу маблағлар ҳисобига қайта молиялаштириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Молия вазирлиги ва Марказий банк билан биргаликда «Агробанк» акциядорлик тижорат банкига банкнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш учун халқаро молия институтлари ва хорижий молия-кредит тузилмаларининг имтиёзли кредитлари, инвестиция ва грантларини жалб этишда ёрдам кўрсатсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда «Агробанк» АТБ Кенгашининг таркибини тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Адлия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М. Муллажонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 30 март,
ПҚ–1084-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

## 156 Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси тизимида юқори технологияли телерадиоускуналардан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ташкилотлари томонидан юқори технологияли ускуналар ва махсус телерадиотехникадан самарали фойдаланилишини таъминлаш, уларни замонавий медиатехнологиялар асосида қўллаш орқали кенг турдаги сифатли телерадиомаҳсулотлар яратиш,

шунингдек телевидение муҳандислик-техника кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини тубдан яхшилаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раҳбариятининг замонавий юқори технологияли теле- ва радиоускуналардан оқилона ва самарали фойдаланиш, шунингдек ушбу ускуналарда ишлай оладиган телевидение муҳандислик-техника ходимларининг кадрлар таркибини шакллантириш бўйича ишлари қониқарсиз деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси марказий аппарати тузилмасига Телерадиокомпания раисининг биринчи ўринбосари лавозими киритилсин, раис ўринбосари лавозими тугатилсин.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси марказий аппаратининг ходимларнинг чекланган умумий сони 185 нафардан, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 74 нафардан иборат бўлган янгиланган ташкилий тузилмаси 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда эгаллаб турган лавозими, функционал вазифалари доираси, тегишли ускуналарда ишлаш кўникмалари ва тажрибасига эгалигига боғлиқ ҳолда, шунингдек телерадиодастурлар ишлаб чиқариш технологиялари талабларидан келиб чиқиб, аниқ мезонларни белгилаш орқали телерадиокомпаниянинг телевидение муҳандислик-техника ходимларига қўйиладиган асосий малака талабларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

4. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси тизимининг телевидение муҳандислик-техника ходимларини аттестациядан ўтказиш бўйича доимий фаолият юритувчи комиссия 2-иловага** мувофиқ таркибда тузилсин.

Қуйидагилар Аттестация комиссиясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

телерадиокомпаниянинг телевидение муҳандислик техника ходимларини уларнинг профессионал тайёргарлиги ва малака даражаси бўйича эгаллаб турган лавозимига лойиқлиги баҳоланишини ҳисобга олган ҳолда мунтазам равишда аттестациядан ўтказиш;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси тизими ва унинг ҳудудий телерадиокомпаниялари кадрлари таркибини тегишли йўналишлар бўйича юқори малакали мутахассислар билан тўлдиришни мустаҳкамлаш чора-тадбирларини кўриш;

телерадиокомпания ходимларининг, шу жумладан хорижий медиатехнологиялар ўқув марказларида тажриба орттиришни ўташи ҳисобига доимий равишда малакаси оширилиши ва профессионал даражаси ўсиши юзасидан мониторинг ўтказиш ҳамда назорат қилиш тизимини жорий этиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни, шунингдек Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси тизимидаги аттестациядан ўтказиладиган

* 1-илова рус тилидаги матнда берилган.

** 2-илова берилмайди.

телевидение муҳандислик-техника ходимларининг лавозим рўйхатини тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2009/2010 ўқув йилидан бошлаб:

Тошкент ахборот технологиялари университетида қуйидаги мутахассислар — телеоператор, махсус ёритиш муҳандиси, муҳандис-видеомонтажчи, компьютер графикаси муҳандиси ва овоз ёзиш муҳандислари тайёрлайдиган «Телевидение технологиялари» факультетини;

Тошкент шаҳар Бектемир туманида қурилаётган коллеж негизида қуйидаги ихтисосликлар — телеоператор ёрдамчиси, овоз ёзиш муҳандиси ёрдамчиси, махсус ёритиш бўйича техник, видеомонтажчи ёрдамчиси, телерадиоускуналарни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича техник мутахассислар тайёрлайдиган Республика телевидение ва радио касб-ҳунар коллежини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан биргаликда ўн кун муддатда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаларининг юқорида кўрсатиб ўтилган йўналишлар бўйича юқори малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжини қондиришни ҳисобга олган ҳолда янгидан ташкил этиладиган «Телевидение технологиялари» факультетига ҳамда Республика телевидение ва радио касб-ҳунар коллежига қабул қилиш режасини белгиласин.

6. Тошкент шаҳрининг марказий қисмида энг замонавий техник асосда миллий телевизион фильмлар ва сериаллар яратиш, шунингдек телевидение учун концерт ва бошқа дастурларни уюштириш ҳамда ёзиб олишни таъминлашга имкон берадиган Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг замонавий медиамарказини ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг медиамаркази қурилишини ташкил этиш учун тегишли ер участкасини белгиланган тартибда ажратсин.

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда уч ой муддатда телерадиокомпаниянинг замонавий медиамарказини қуриш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

7. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг медиамарказини 2009 йилнинг II чорагидан бошлаб, уни энг замонавий мультимедиа техник ускуналари билан жиҳозлашни назарда тутган ҳолда телерадиокомпаниянинг ўз маблағлари ва марказлаштирилган давлат капитал қўйилмалари ҳисобига қуриш таъминлансин.

8. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Ўзбекистон Республикаси

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан биргаликда мунтазам равишда ўзбек халқ мумтоз санъати, анъанавий қўшиқчилик санъати, симфония мусиқаси мактаблари ютуқларига, шунингдек аҳолининг таълим ва маданий савиясини оширишга, миллий анъаналарни сақлаб қолишга, ёшларни ватанпарварлик, халқимизнинг бой маънавий меросини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган замонавий эстрада санъатининг энг яхши намуналарига бағишланган бадиий жиҳатдан юксак даражадаги теле-ва радио дастурлар туркуми тайёрланилишини таъминласин.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги бир ой муддатда:

Ўзбек халқ мумтоз санъати, анъанавий қўшиқчилик ва эстрада санъати, симфония мусиқаси мактаблари эришган ютуқлар тўғрисидаги теле- ва радио дастурларни тайёрлаш, намойиш қилиш ва эшиттириш ҳамда молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар;

мазкур теле-ва радио дастурларни тайёрлаш ҳамда намойиш қилиш ва эшиттиришни молиялаштиришнинг аниқ манбаларини белгилансинлар.

9. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, «Ўзбекистон», «Спорт» ва «Тошкент» телерадиоканалларининг 2009 йилнинг иккинчи ярим йиллигидан бошлаб бюджетдан ташқари манбаларнинг телерадиоканаллар умумий харажатларини молиялаштиришдаги улушини 2015 йилга бориб 50 фоизгача етказган ҳолда босқичма-босқич кўпайтириб бориш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган таклифи қабул қилинсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, унинг таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотлар томонидан импорт қилинадиган ускуналар, материаллар ва эҳтиёт қисмлар фойда солиғи, шунингдек божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан 2015 йилнинг 1 январигача озод этилсин, бўшайдиган маблағлар уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга мақсадли йўналтирилсин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибига кирувчи ташкилотлар балансига бепул бериладиган, телерадиокомпания томонидан харид қилинган ускуналар, бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар уларнинг даромадлари ҳисобланмайди ҳамда солиққа тортиш базасидан чиқариб ташланади.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги ПҚ–245-сон қарорига 6-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиришлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 1 апрель,
ПҚ–1088-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### 157 Турар жой ва кичик бизнес объектлари учун қурилиш материаллари сотиш бўйича фирма дўконлари тармоғини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ–4058-сон Фармони билан тасдиқланган Иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқлари корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастурини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 29 январдаги ПҚ–1051-сон қарорини бажариш юзасидан, аҳолига ҳамда фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида уй-жой фонди объектларини реконструкция қилиш, қуриш ва таъмирлаш ишларини амалга ошираётган ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотларига қулай шарт-шароитлар яратиш, бозорни янада кенгайтириш ҳисобига арзон нархлардаги қурилиш материалларига бўлган талабни қондириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қорақалпоғистон Республикасида ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳрида «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси ва «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси маҳсулотларини сотадиган 1-иловага* мувофиқ рўйхат бўйича ихтисослаштирилган дўконлар тармоғи фаолият кўрсатаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчилар билан биргаликда 2009 йил 1 июлгача республика туманлари ва шаҳарларида аҳоли талабига ҳамда уй-жой фонди объектлари бўйича таъмирлаш-қурилиш ишлари ҳажмларига қараб қурилиш материаллари (металл прокати, цемент, пишиқ ғишт, шифер, қурилиш ойнаси ва бошқалар) сотиш бўйича, уларни 2-иловага* мувофиқ жойлаштирган ҳолда, ишлаб чиқарувчиларнинг фирма дўконлари (кейинги ўринларда фирма дўконлари деб аталади) ташкил этиш юзасидан ташкилий-техник тадбирлар комплексининг қўшимча равишда бажарилишини таъминласин.

---

* 1-2-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

3. Белгилаб қўйилсинки:

фирма дўконлари қурилиш материалларини аҳолига нақд пулга, мажбурий тартибда назорат-касса аппаратларини қўллаган ва пул тушумларини банкка топшириш учун ҳар куни инкассо қилган, шунингдек тўловни жисмоний шахсларнинг пластик карточкаларидан қабул қилган ҳолда сотадилар;

фирма дўконлари орқали «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаб чиқарилган металл прокати ва цемент ушбу материалларга жорий биржа котировкаларидан ортиқ бўлмаган нархлар бўйича сотилади;

фирма дўконлари, ишлаб чиқарувчи корхоналар қурилиш материалларини қўшимча ҳақ ҳисобига энг сўнгги истеъмолчигача етказиб беришлари, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа хизмат турларини кўрсатишлари мумкин.

4. «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасига ва цемент корхоналарига, ҳар йили моддий балансларда назарда тутиладиган ҳажмлардан биржа котировкаларининг ўртача нархлари асосида тўғридан-тўғри шартномалар бўйича, шунингдек биржа савдоларига қўйилгандан кейин сотилмай қолган металл прокати ва цементни фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида уй-жой фонди объектларини реконструкция қилиш, қуриш ва таъмирлаш ишларини амалга ошираётган ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотларига сотиш тавсия қилинсин.

5. 2009 йилда аҳолига ва фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида уй-жой фонди объектларини реконструкция қилиш, қуриш ва таъмирлаш ишларини амалга ошираётган ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотларига «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаб чиқарилган металл прокати ва цементни жорий биржа котировкаларидан ортиқ бўлмаган нархлар бўйича сотиш ҳажмлари 3 ва 4-иловаларга* мувофиқ маъқуллансин.

6. Қуйидагилар 2009 йилда аҳолига ҳамда фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида уй-жой фонди объектларини реконструкция қилиш, қуриш ва таъмирлаш ишларини амалга ошираётган ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотларига сотиш учун тасдиқланган балансларда назарда тутилган металл прокати ва цементни етказиб бериш манбалари этиб белгилансин:

3120 тонна металл прокати — «биржа савдоларида сотиш» моддаси бўйича;

450 минг тонна цемент, шу жумладан «цемент корхоналари томонидан аҳолига сотиш» моддаси бўйича — 170 минг тонна ва «биржа савдоларида сотиш» моддаси бўйича — 280 минг тонна;

биржа савдоларига қўйилгандан кейин сотилмай қолган ҳажмлар.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўми-

* 3-4-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

таси билан биргаликда фирма дўконларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошлаш мақсадида икки ой муддатда истеъмолчилар учун қулай жойларда жойлашган фойдаланилмаётган турар жой бўлмаган биноларнинг, зарур инфратузилма ва омборхоналарнинг мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқарувчи корхоналарга ижарага берилишини таъминласинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳар йилги моддий балансларда аҳолига ҳамда фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида уй-жой фонди объектларини реконструкция қилиш, қуриш ва таъмирлаш ишларини амалга ошираётган ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотларига фирма дўконлари тармоғи орқали сотиш учун «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаб чиқарилган металл прокати ҳамда цементни тўғридан-тўғри шартномалар ва биржа котировкаларининг ўртача нархи бўйича етказиб бериш ҳажмларини назарда тутсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.М. Ханов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 28 март,
87-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 158 «Агробанк» акциядорлик тижорат банки фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Агробанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида» 2009 йил 30 мартдаги ПҚ–1084-сон қарорини бажариш юзасидан ва унинг самарали фаолияти ташкил этилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Агробанк» акциядорлик тижорат банки кенгаши таркиби иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар «Агробанк» акциядорлик тижорат банки Кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига ҳамда иқтисодиётнинг агро-

---

* Илова берилмайди.

саноат сектори корхоналарига кредит бериш ва уларни молиялаштириш бўйича кўрсатиладиган хизматлар сифатини ва қулайлигини оширишга йўналтирилган узоқ муддатли банк сиёсатини шакллантириш, шунингдек аҳолига ҳамда қишлоқ тадбиркорларига кенг кўламли банк ва консалтинг хизматлари кўрсатиш;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига, мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналарга, шу жумладан «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ва «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси тизимига кирадиган, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, ташиш ва сотишга ихтисослашган корхоналарга юқори сифатли, жаҳон бозорида рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича замонавий технологиялар ва асбоб-ускуналарни жорий этишга ҳамда ички истеъмол бозорини юқори сифатли озиқ-овқат товарлари билан тўлдиришга кўмаклашиш мақсадида кредит бериш ва уларни молиялаштириш механизмларини изчил такомиллаштириб бориш;

банкда замонавий корпоратив бошқарувни шакллантириш ва банк ижро этувчи органининг самарали фаолиятини таъминлаш;

банкнинг мақбул даражада капиталлашувини, ликвидлилигини унга юкланган вазифаларнинг бажарилиши ва мажбуриятларининг ўз вақтида амалга оширилиши учун етарли даражада сақлаб туриш;

универсал тижорат банки сифатида банк томонидан юридик ва жисмоний шахсларга комплекс хизмат кўрсатиш учун шарт-шароитлар яратиш;

қишлоқ жойларда фаолият кўрсатаётган банк-молия инфратузилмасини фаоллаштириш ва кенгайтириш.

3. «Агробанк» акциядорлик тижорат банкига марказий аппарати таркибида кредитларнинг қайтарилувчанлиги мониторингини олиб бориш ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш бўйича махсус гуруҳ ташкил этиш тавсия қилинсин, қуйидагилар махсус гуруҳнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

кредит маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тизимли равишда чуқур таҳлил қилиш;

банк филиалларида молиялаштириш ишларини мувофиқлаштириш, кредит портфели ҳолатини, шунингдек кредитларнинг таъминланганлиги ва улардан мақсадли фойдаланилиши ҳолатини мониторинг қилиш ва холисона баҳолаш;

кредитларнинг қайтарилувчанлиги даражасини ошириш бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази «Пахта-банк» акциядорлик тижорат банки чиқарган акцияларни «Агробанк» акциядорлик тижорат банкига қайта рўйхатдан ўтказишни ва янгидан чиқарилаётган акцияларни рўйхатдан ўтказишни йиғимлар ундирмасдан амалга оширсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, «Агробанк» акциядорлик тижорат банки бошқаруви раиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

6. «Агробанк» акциядорлик тижорат банки Кенгаши ва бошқаруви:

бир ой муддатда банк уставини ишлаб чиқсин ва акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиқласин, шунингдек банкни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш учун ҳужжатларнинг зарур пакетини тайёрласин ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига тақдим этсин;

банкка юкланган вазифаларнинг самарали бажарилиши зарурлигидан келиб чиққан ҳолда банк ҳамда унинг филиаллари тузилмасини ва штатлар жадвалини ўн кун муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

банкнинг марказий аппарати ва унинг филиалларини банкларнинг бўлинмаларида ва фермер хўжаликларига, пахта тозалаш ва донни қайта ишлаш саноатининг пахта ва дон маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, ташиш ва сотишга ихтисослашган корхоналарига кредит бериш соҳасида иш тажрибасига эга бўлган юқори малакали мутахассислар билан таъминласин.

7. Ўзбекистон банклар уюшмаси ва Банк-молия академияси 2009 йил мобайнида «Агробанк» акциядорлик тижорат банки мутахассислари учун, ўқитиш ҳақини ундирмаган ҳолда, фермер хўжаликларига, пахта тозалаш ва донни қайта ишлаш саноатининг пахта ва дон маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, ташиш ва сотишга ихтисослашган корхоналарига кредит бериш бўйича махсус курслар ташкил этилишини таъминласинлар.

8. «Агробанк» акциядорлик тижорат банкига Миллий телерадиокомпания, Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ўзбекистон банклар уюшмаси билан биргаликда бир ой муддатда 2009-2010 йилларда оммавий ахборот воситаларида банк фаолиятини ҳамда унинг томонидан кўрсатилаётган хизматларни кенг ёритиш бўйича комплекс тадбирларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тавсия этилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Адлия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М. Муллажонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 31 март,
89-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 159 «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкининг фаолиятини ташкил этиш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида» 2009 йил 30 мартдаги ПҚ–1083-сон қарорини бажариш юзасидан ва унинг самарали фаолияти ташкил этилишини таъминлаш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки кенгашининг таркиби 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

банк хизмати кўрсатиш сифатини оширишга ҳамда уй-жой-коммунал ва ижтимоий соҳаларда, қишлоқ аҳоли пунктларини ободонлаштириш борасидаги эҳтиёжларни амалга оширишда аҳоли ва юридик шахсларга кредит беришни кенгайтиришга, қишлоқда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектлари қуришга, шунингдек қишлоқ тадбиркорларига кенг кўламли банк ва консалтинг хизматлари кўрсатишга йўналтирилган узоқ муддатли банк сиёсатини шакллантириш;

янги, замонавий қурилиш материаллари ва конструкциялари ишлаб чиқарадиган, йиғма, композицион ва майда блокли конструкциялардан фойдаланган ҳолда тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича қишлоқда объектлар қуришнинг индустриал ва йиғма технологияларини жорий этадиган барча мулкчилик шаклидаги корхоналарга, шу жумладан «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси ва «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси корхоналарига кредит бериш ва комплекс тарзда банк хизматлари кўрсатиш;

қишлоқни ободонлаштириш бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга кредит бериш ва молиялаштиришнинг мақбул механизмини жорий этиш;

банкда замонавий корпоратив бошқарувни шакллантириш ва банк ижро этувчи органининг самарали фаолиятини таъминлаш;

банкнинг мақбул даражада капиталлашувини, ликвидлигини унга юкланган вазифаларнинг бажарилиши ва мажбуриятларининг ўз вақтида амалга оширилиши учун етарли даражада сақлаб туриш;

универсал тижорат банки сифатида банк томонидан юридик ва жисмоний шахсларга комплекс хизматлар кўрсатилиши учун шарт-шароитлар яратиш;

қишлоқ жойларда фаолият кўрсатаётган банк-молия инфратузилмасини фаоллаштириш ва кенгайтириш.

---

* 1-илова берилмайди.

3. «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкига марказий аппарати тузилмасида кредитлар қайтарилиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши мониторинги бўйича махсус гуруҳ ташкил этиш, қуйидагиларни унинг асосий вазифалари этиб белгилаш тавсия қилинсин:

кредит ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини тизимли равишда чуқур таҳлил қилиш;

банк филиалларида молиялаштириш ишларини мувофиқлаштириш, кредит портфели ҳолатини, шунингдек кредитларнинг таъминланганлиги ва улардан мақсадли фойдаланилиши ҳолатини мониторинг қилиш ва холисона баҳолаш;

кредитлар қайтарилувчанлиги даражасини ошириш бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш.

4. Белгилаб қўйилсинки, «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки бошқаруви раиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

5. «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки кенгаши ва бошқаруви:

бир ой муддатда банк уставини ишлаб чиқсин ва акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиқласин, шунингдек банкни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш учун ҳужжатларнинг зарур пакетини тайёрласин ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига тақдим этсин;

банкка юкланган вазифаларни самарали бажариш зарурлигидан келиб чиққан ҳолда банк ҳамда унинг филиаллари тузилмасини ва штатлар жадвалини ўн кун муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

банкнинг марказий аппарати ва унинг филиалларини банкларнинг бўлинмаларида ҳамда қишлоқда ишлаб чиқариш ва инфратузилманинг намунавий лойиҳалари бўйича уй-жой қуриш билан боғлиқ лойиҳаларга кредит бериш соҳасида иш тажрибасига эга бўлган юқори малакали мутахассислар билан таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, «Қишлоққурилишлойиҳа» лойиҳа-қидирув институти масъулияти чекланган жамият билан биргаликда тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қуришга кредит бериш тартибини икки ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази «Ғалла-банк» акциядорлик тижорат банки акциялари чиқарилишини «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкига қайта рўйхатдан ўтказишни ва янгидан чиқариладиган акцияларни рўйхатдан ўтказишни йиғимлар ундирмасдан амалга оширсин.

7. Ўзбекистон банклар уюшмаси ва Банк-молия академияси 2009-2010 йиллар мобайнида «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки мутахассислари учун, ўқитиш ҳақини ундирмаган ҳолда, қишлоқда якка

тартибдаги уй-жой қурилишига кредит бериш бўйича махсус курслар ташкил этилишини таъминласинлар.

8. Ўзбекистон банклар уюшмаси, «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қуришга имтиёзли кредитлар олиш тартиби, кредит олиш учун ҳужжатлар тайёрлаш бўйича қишлоқ жойларда доимий асосда семинарлар ва ўқув курслари ўтказилишини таъминласинлар.

9. «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкига Миллий телерадиокомпания, Матбуот ва ахборот агентлиги, Марказий банк ва Ўзбекистон банклар уюшмаси билан биргаликда бир ой муддатда республика оммавий-ахборот воситалари томонидан тўлов ундирилмасдан реклама материаллари эълон қилинишини назарда тутадиган 2009-2010 йилларда банк фаолияти ва унинг томонидан кўрсатиладиган хизматлар оммавий-ахборот воситаларида кенг ёритилиши бўйича комплекс тадбирларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тавсия қилинсин.

10. Республика тижорат банкларининг «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки балансига бепул бериладиган 2-иловага мувофиқ филиаллар рўйхати тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Молия вазирлиги «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компаниясининг Тошкент шаҳар, Шаҳрисабз кўчаси, 36-уйда жойлашган маъмурий биносининг бир қисми туташ ҳудуд билан биргаликда «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкига бепул берилишини таъминласинлар.

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Адлия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М. Муллажонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 31 март,
90-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 31 мартдаги 90-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Республика тижорат банкларининг «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки балансига бепул бериладиган филиаллари**
**РЎЙХАТИ**

| Т/р | Тижорат банклари филиаллари номи | Манзил |
|---|---|---|
| **БУХОРО ВИЛОЯТИ** | | |
| 1. | «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Когон филиали | 200700, Бухоро вилояти, Когон шаҳри, Дўстлик кўчаси, 4-уй |
| **САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ** | | |
| 2. | «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Каттақўрғон филиали | 140800, Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳри, Амир Темур кўчаси, 6-уй |
| **СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ** | | |
| 3. | «Ўзмиллийбанк»нинг Сариосиё филиали | 133606, Сурхондарё вилояти, Сариосиё шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 18-уй |
| 4. | «Ўзмиллийбанк»нинг Жарқўрғон филиали | 133300, Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон шаҳри, А. Навоий кўчаси, 1-уй |
| **СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ** | | |
| 5. | «Ўзмиллийбанк»нинг Янгиер филиали | 108706, Сирдарё вилояти, Янгиер шаҳри, Ш. Рашидов кўчаси, 17-уй |
| **ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ** | | |
| 6. | «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Янгийўл филиали | 112000, Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 28-уй |
| 7. | «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Ғазалкент филиали | 110700, Тошкент вилояти, Ғазалкент шаҳри, Беруний кўчаси, 24-уй |
| **ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ** | | |
| 8. | «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Марғилон филиали | 151100, Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри, Марғилоний кўчаси, 173-уй |
| **ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ** | | |
| 9. | «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Хива филиали | 220900, Хоразм вилояти, Хива шаҳри, Феруз кўчаси, 87-уй |

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 160 Ободонлаштириш ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларини ободонлаштиришни яхшилаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 22 январдаги ПҚ–1045-сон қарорининг 7-бандини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг ходимларнинг иш ҳақини ўртача 1,25 баравар оширишни назарда тутувчи Шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тармоқ тариф сеткасини 2010 йил 1 январдан бошлаб жорий этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг 1-иловага мувофиқ тармоқ тариф сеткаси 2010 йил 1 январдан бошлаб амалга киритилсин.

3. Шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бюджет параметрларини шакллантиришда Шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тармоқ тариф сеткасидан келиб чиққан ҳолда 2010 йилдан бошлаб ободонлаштириш ходимлари иш ҳақига харажатларни назарда тутсин.

5. Ўзкоммунхизмат» агентлиги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Вазирликлар ва идоралар бир ҳафта муддатда илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.М. Ханов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 1 апрель,
91-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 1 апрелдаги 91-сон қарорига
1-ИЛОВА

## Шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тармоқ ТАРИФ СЕТКАСИ

| Лавозим номи | **Биринчи гуруҳ** Тошкент шаҳри, Нукус шаҳри, вилоят марказлари ва Тошкент шаҳри туманлари ободонлаштириш бошқармалари | **Иккинчи гуруҳ** Шаҳарлар ва туманлар ободонлаштириш бошқармалари |
|---|---|---|
| **Бошқарув ходимлари ва муҳандис-техник ходимлар** | | |
| Бошқарма бошлиғи | 7,338 | 6,879 |
| Бошқарма бошлиғининг ўринбосари | 6,879 | х |
| Бош муҳандис | 6,879 | 6,434 |
| Ихтисослаштирилган бошқарма, бўлим (кадрлар бўлимидан ташқари), хизмат, участка бошлиғи | 5,996 | 5,568 |
| Бош бухгалтер | 6,434 | 5,568 |
| Бош иқтисодчи, бош агроном, бош механик | 5,996 | х |
| Кадрлар бўлими бошлиғи | 5,140 | 4,729 |
| Етакчи мутахассислар: муҳандис (барча мутахассисликлар бўйича), агроном, иқтисодчи, бухгалтер, механик | 5,140 | х |
| Мутахассислар: муҳандислар ва техниклар (барча мутахассисликлар бўйича), агроном, иқтисодчи, бухгалтер, механик, диспетчер, безакчи рассом | 4,729 | 4,729 |
| **Асосий ишлаб чиқариш ходимлари** | | |
| Участка устаси | 5,140 | 4,729-5,140 |
| Бригадирлар | 4,729 | 4,729 |
| **6-разрядли ишчилар:** электр-газ пайвандловчи, электр асбоб-ускуналарини таъмирлайдиган ва уларга хизмат кўрсатадиган электр монтёрлари, созловчи- механик, таъмирловчи чилангар, токарь | 4,729 | х |
| **5-разрядли ишчилар:** электрчи, электр асбоб-ускуналарини таъмирлайдиган ва уларга хизмат кўрсатадиган электр монтёри, электр-газ пайвандловчи, газ пайвандловчи, барча номдаги чилангарлар (шу жумладан авточилангарлар), насос қурилмаси машинисти, токарь, 1-класс юк автомобили ва махсус автомобиль ҳайдовчиси, созловчи-механик, тракторчи, бульдозерчи, асфальтловчи-бетонловчи | 4,334 | 4,334 |
| **4-разрядли ишчилар:** электрчи, электр асбоб-ускуналарини таъмирлайдиган ва уларга хизмат кўрсатадиган электр монтёри, электр-газ пайвандловчи, газ пайвандловчи, барча номдаги чилангарлар (шу жумладан авточилангарлар), токарь, ўзи юрар механизациялаштирилган қурилмалар ва транспорт-йиғиш машиналари машинисти (ҳайдовчиси), стропчи, насос қурилмаси машинисти, созловчи механик, тракторчи, бульдозерчи, ас- | 3,956 | 3,956 |

| Лавозим номи | Биринчи гуруҳ Тошкент шаҳри, Нукус шаҳри, вилоят марказлари ва Тошкент шаҳри туманлари ободонлаштириш бошқармалари | Иккинчи гуруҳ Шаҳарлар ва туманлар ободонлаштириш бошқармалари |
|---|---|---|
| фальтловчи-бетонловчи, дурадгорлар, 1-класс енгил автомобиль ҳайдовчиси, 2-класс юк автомобили ва махсус автомобиль ҳайдовчиси, кўкаламзорлаштирувчи (яшил хўжалик ишчиси), ирригатор | | |
| **3-разрядли ишчилар:** электрчи, электр асбоб-ускуналарини таъмирлайдиган ва уларга хизмат кўрсатадиган электр монтёри, электр-газ пайвандловчи, газ пайвандловчи, барча номдаги чилангарлар (шу жумладан авточилангарлар), токарь, ўзи юрар механизациялаштирилган қурилмалар ва транспорт-йиғиш машиналари машинисти (ҳайдовчиси), стропчи, насос қурилмаси машинисти, электр моторлар моторчиси, созловчи механик, токарь, тракторчи, бульдозерчи, асфальтловчи-бетонловчи, дурадгорлар, 2-класс енгил автомобиль ҳайдовчиси, 3-класс юк автомобили ва махсус автомобиль ҳайдовчиси, кўкаламзорлаштирувчи (яшил хўжалик ишчиси), боғбон, ирригатор (ариқ-дренаж тизимини ётқизиш ва таъмирлаш ишчиси), мироб (ариқ-дренаж тизимига сув беришни тартибга солувчи ишчи), ташқи безатиш ишчиси, қабристон назоратчиси, дафн маросими хизматлари ишчиси, ҳудудларни қўлда тозалайдиган тозаловчи, истироҳат боғлари ва боғларда ҳожатхоналарни тозаловчи | 3,598 | 3,598 |
| **2-разрядли ишчилар:** электрчи, электр асбоб-ускуналарини таъмирлайдиган ва уларга хизмат кўрсатадиган электр монтёри, аккумуляторчи, электр-газ пайвандловчи, газ пайвандловчи, барча номдаги чилангарлар (шу жумладан авточилангарлар), токарь, ўзи юрар механизациялаштирилган қурилмалар ва транспорт-йиғиш машиналари машинисти (ҳайдовчиси), стропачи, насос қурилмаси машинисти, созловчи механик, электр моторлар моторчиси, токарь, тракторчи, бульдозерчи, асфальтловчи-бетонловчи, дурадгорлар, 3-класс енгил автомобиль ҳайдовчиси, кўкаламзорлаштирувчи (яшил хўжалик ишчиси), боғбон, ирригатор (ариқ-дренаж тизимини ётқизиш ва таъмирлаш ишчиси), мироб (ариқ-дренаж тизимига сув беришни тартибга солувчи ишчи), ташқи безатиш ишчиси, қабристон назоратчиси, дафн маросими хизматлари ишчиси, ҳудудларни қўлда тозалайдиган тозаловчи, истироҳат боғлари ва боғларда ҳожатхоналарни тозаловчи | 3,270 | 3,270 |
| **1-разрядли ишчилар:** авточилангар, аккумуляторчи, электр-газ пайвандловчи, газ пайвандловчи, электр моторлар моторчиси, кўкаламзорлаштирувчи (яшил хўжалик ишчиси), ирригатор | 2,971 | 2,971 |

| Лавозим номи | **Биринчи гуруҳ** Тошкент шаҳри, Нукус шаҳри, вилоят марказлари ва Тошкент шаҳри туманлари ободонлаштириш бошқармалари | **Иккинчи гуруҳ** Шаҳарлар ва туманлар ободонлаштириш бошқармалари |
|---|---|---|
| (ариқ-дренаж тизимини ётқизиш ва таъмирлаш ишчиси), ҳудудларни қўлда тозалайдиган тозаловчи, қабристон қоровули | | |
| **Ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ходимлар** | | |
| Кассир | 3,165 | 2,878 |
| Раҳбарнинг котибаси | 3,467 | х |
| Енгил автомобиль ҳайдовчиси | 2,377-2,878 | х |
| Қоровул | 2,377-2,616 | 2,377-2,616 |
| Бинони йиғиштирувчи | 2,377-2,616 | 2,377-2,616 |
| Ҳар хил ишларни бажарувчи ишчи | 1-2,377 | 1-2,377 |

Изоҳ. Лавозимлар ва касблар (мутахассисликлар) рўйхати, шунингдек ишчиларнинг талаб қилинадиган малака разрядлари Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари билан келишган ҳолда бошқарма фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб штат жадвалида белгиланади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 1 апрелдаги 91-сон қарорига
2-ИЛОВА

## Шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисида НИЗОМ

### I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларини ободонлаштиришни яхшилаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 22 январдаги ПҚ–1045-сон қарорига мувофиқ шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармалари (кейинги ўринларда бошқармалар деб аталади) ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тартибини белгилайди.

2. Бошқармалар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизими:

бошқармалар ходимларининг лавозим маошларини;

лавозим маошларига қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган қўшимча тўловлар ва устамаларни;

бошқармалар ходимларини моддий рағбатлантириш жамғармаларидан тўланадиган мукофотларни ўз ичига олади.

3. Бошқармалар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бошқарма раҳбари томонидан тасдиқланган ва молия органларида рўйхатдан ўтказилган штатлар жадвалига мувофиқ белгиланган тариф ставкалари (лавозим маошлари) бўйича амалга оширилади.

## II. Бошқармалар ходимларининг тариф ставкалари (лавозим маошлари)

4. Бошқармалар ходимларининг тариф ставкалари (лавозим маошлари) Шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тармоқ тариф сеткаси (кейинги ўринларда тармоқ тариф сеткаси деб аталади) асосида белгиланади.

5. Тармоқ тариф сеткасининг тариф коэффициентлари меҳнатга ҳақ тўлаш гуруҳларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Биринчи гуруҳга Тошкент ва Нукус шаҳарлари, вилоят марказлари ва Тошкент шаҳар туманлари бошқармалари киради.

Иккинчи гуруҳга Ўзбекистон Республикасининг бошқа шаҳарлари ва туманлари бошқармалари киради.

6. Тармоқ тариф сеткасининг тариф коэффициентлари ходимнинг лавозими ва малакасига қараб табақаланган.

Штат жадвалини шакллантиришда ишчи касблари (мутахассисликлар) бўйича малака разрядлари ва тариф коэффициентлари ишларни сифатли бажариш учун талаб қилинадиган малакадан (касблар бўйича ишларнинг ўртача разрядидан) келиб чиқиб белгиланади.

Ишнинг талаб қилинадиган малакасини белгилашда хизмат кўрсатиладиган доиранинг хусусиятлари ва ободонлаштириш объектининг аҳамияти ҳисобга олинади.

7. Ходимнинг тариф ставкаси (лавозим маоши) ходимнинг тегишли лавозими, касби ва малакаси учун белгиланган тариф коэффициентини, шунингдек ушбу бошқарма тегишли бўлган гуруҳни Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарори билан белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

8. Ходимларнинг тариф ставкаларини (лавозим маошларини) ўзгартириш:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорларига мувофиқ бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи оширилганда;

ходим ушбу бошқармада бошқа лавозимга ўтганда ёки ишчига юқорироқ малака разряди берилганда амалга оширилади.

## III. Қўшимча тўловлар ва устамалар

9. Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқармаларнинг ходимларига тариф ставкасига:

иш вақтидан ташқари ишлаганлик ҳамда дам олиш ва байрам кунлари

ишлаганлик учун — соатбай тариф ставкасидан келиб чиқиб икки баравар миқдорида;

тунги вақтларда ишлаганлик учун — соатбай тариф ставкасидан келиб чиқиб 1,5 баравар миқдорида;

бир неча касбда (лавозимда) ишлаганлик, хизмат кўрсатиш доирасини кенгайтирганлик ва ўзининг асосий иши билан биргаликда вақтинча бўлмаган ходимнинг вазифаларини бажарганлик учун — асосий касб (лавозим) бўйича ходим учун белгиланган меҳнат нормасидан ортиқча амалда бажарилган иш учун соатбай тариф ставкаси миқдорида қўшимча тўловлар тўланади.

Соатбай тариф ставкаси миқдори ходимнинг тариф ставкасини иш вақти нормал давом этган тақдирда иш соатларининг ўртача ойлик сонига бўлиш йўли билан аниқланади.

Ходимларнинг дам олиш кунлари ички тартиб қоидалари билан белгиланади.

Соат 22.00 дан соат 6.00 гача ишланган вақт тунги вақт ҳисобланади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган қўшимча тўловларга харажатлар бошқарма харажатларининг йиллик сметасида акс эттирилади.

10. Рўйхати қонун ҳужжатларида белгиланган ноқулай табиий-иқлим шароитли жойларда район коэффициентлари бўйича тариф ставкасига (лавозим маошига) устамалар тўланади.

11. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг алоҳида қарорлари билан белгиланган тариф ставкаси (лавозим маоши)нинг фоизларида ҳисоблаб чиқиладиган бошқа қўшимча тўловлар ва устамалар миқдори ушбу Низом кучга кирган пайтдан бошлаб тармоқ тариф сеткаси бўйича белгиланган тариф ставкаси (лавозим маоши)нинг фоизларида ҳисоблаб чиқилади.

## IV. Мукофотлаш ва моддий ёрдам

12. Ҳар бир бошқармада ташкил этиладиган бошқарма ходимларини моддий рағбатлантириш жамғармаси мукофотлаш ва моддий ёрдамнинг манбаи ҳисобланади.

Бошқарма ходимларини моддий рағбатлантириш жамғармаси ушбу бошқарма томонидан ҳар йили назарда тутиладиган меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг 15 фоизи миқдорида бюджет маблағлари ҳисобига ҳосил қилинади.

13. Ходимларни мукофотлаш умуман бошқарма бўйича белгиланган кўрсаткичлар бажарилиши шарти билан йил чорагидаги иш якунлари бўйича амалга оширилади.

Ўзининг функционал вазифаларини ўз вақтида ва сифатли бажариш ҳамда бошқарма фаолияти натижаларига шахсий улуш қўшиш ходимларга мукофот ёзишнинг асосий кўрсаткичи ҳисобланади.

Ходимларнинг ҳар бир тоифаси бўйича мукофотлашнинг аниқ кўрсаткичлари касаба уюшмаси қўмитаси билан келишган ҳолда бошқарма раҳбари томонидан белгиланади.

Бир ходим ҳисобига чораклик мукофот миқдори тармоқ тариф сеткаси бўйича унинг тариф ставкаси (лавозим маоши)нинг 50 фоизидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

14. Қуйидагилар ходимлар меҳнатини баҳолашнинг асосий мезонлари ҳисобланади:

ишлаб чиқариш топшириқлари сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;

бириктирилган хизмат кўрсатиш доирасига ва бошқарманинг юритишидаги ободонлаштириш объектларига хизмат кўрсатишнинг белгиланган нормалари ва қоидаларига қатъий риоя қилишни таъминлаш;

хизмат кўрсатиш доирасини зарур тарзда сақлаш масалалари бўйича аҳолининг асосланган танбеҳ ва шикояти йўқлиги.

15. Асослаш ҳамда молия-хўжалик фаолияти бўйича бухгалтерия ва тезкор ҳисобга олиш маълумотлари илова қилинган ҳолда бошқарманинг тегишли бўлинмаси раҳбарининг билдиргиси ходимга мукофот ёзиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш учун асос ҳисобланади.

16. Мукофотлаш тўғрисидаги қарор бошқарма раҳбарининг буйруғи билан камида 5 кишидан (тоқ сон бўлиши шарт), шу жумладан комиссия раиси — бошқарма раҳбари, раҳбарнинг ўринбосари, бош бухгалтер, касаба уюшмаси қўмитаси раиси ва бошқарма бўлинмаси раҳбарларидан иборат таркибда ташкил этилган комиссия томонидан қабул қилинади.

17. Комиссиянинг иш тартиби касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилган ҳолда бошқарма раҳбари томонидан белгиланади.

Комиссиянинг мажлислари, қоидага кўра, ҳар чоракда, айрим ҳолларда эса — заруриятга кўра ўтказилади.

Мукофотлаш тўғрисидаги қарор очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Комиссия аъзоларининг камида учдан бири овоз берган тақдирда қарор қабул қилинган деб ҳисобланади.

18. Мукофот амалда ишланган вақт учун берилади.

Меҳнат шартномаси тўхтатилиши (ходим томонидан ўз меҳнат мажбуриятлари бузилиши сабабли меҳнат шартномаси тўхтатилиши бундан мустасно) ёки ишга қабул қилиш, ҳарбий хизматга чақириш ёки бошқа узрли ҳолатлар муносабати билан мукофот ёзиладиган тўлиқ ишланмаган даврда мукофот амалда ишлаб берилган вақтга мутаносиб равишда тайинланади.

19. Ишлаб чиқариш ва технологик йўриқномалар, ички меҳнат тартиби қоидалари бузилишида айбдор бўлган, жиддий камчиликларга йўл қўйган ходимлар мукофотдан тўлиқ ёки қисман маҳрум қилинади. Юқорида кўрсатиб ўтилган бузишларга йўл қўйган ходимларни мукофотдан маҳрум қилиш (мукофотни камайтириш), ушбу бузишларга йўл қўйилган ёки бузишлар аниқланган давр учун амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 181-моддасига мувофиқ интизомий жазо беришда ходим ушбу жазо берилган давр учун мукофотдан тўлиқ маҳрум қилинади.

Йўл қўйилган бузишлар ва камчиликлар учун ходимларга мукофот ка-

майтирилиши ёки тўланмаслиги мумкин. Пасайтирувчи кўрсаткичлар рўйхати касаба уюшмаси қўмитаси билан келишган ҳолда бошқарма раҳбари томонидан белгиланади.

20. Бошқармада камида ўн йил ишлаган ходимларга пенсияга чиқиш муносабати билан улар билан тузилган меҳнат шартномаси тўхтатилганда бошқармада ишланган ҳар бир йил учун битта энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида, бироқ ходимнинг 5 тариф ставкаси (лавозим маоши)дан ортиқ бўлмаган миқдорда бир йўла нафақа тўланади.

21. Ходимларга мукофот тўлаш комиссиянинг баённомаси асосида бошқарма раҳбарининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

### V. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган тартибига риоя қилиш учун жавобгарлик

22. Бошқарма раҳбари ходимлар меҳнатини нормалаштириш ва ҳисобга олиш ташкил этилиши, ходимларга тариф ставкалари (лавозим маошлари) белгиланишининг тўғрилиги, устамалар ва қўшимча тўловлар ҳисоблаб чиқилганлиги, мукофотлар ёзилганлиги учун шахсан жавоб беради.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 161 Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш масалалари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 1 майдаги ПҚ–338-сон қарорини бажариш, шунингдек футбол клублари, Ўзбекистон Футбол федерацияси ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Профессионал футбол клублари, Ўзбекистон Футбол федерацияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари 2009 йил 1 апрелдан бошлаб уч йил муддатга:

республикада ишлаб чиқарилмайдиган, стадионларни реконструкция қилиш ва футбол клубларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун зарур бўлган четдан келтириладиган жиҳозлар, асбоб-ускуналар ва материаллар учун божхона тўловларини (божхонада расмийлаштириш учун йиғимлардан ташқари);

солиқлар ва йиғимларнинг барча турларини (ягона ижтимоий тўловдан

ташқари) тўлашдан озод қилинсин, бўшаб қоладиган маблағлар футболни ривожлантиришга мақсадли йўналтирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси кўрсатиб ўтилган имтиёзлар берилиши муносабати билан бўшаб қоладиган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши юзасидан қатъий назоратни амалга оширсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 1 апрель,
92-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 163 Маҳаллийлаштириш дастурига тузатишлар киритиш механизмини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида» 2009 йил 27 январдаги ПҚ–1048-сон қарорини бажариш юзасидан ҳамда Маҳаллийлаштириш дастурига тушунарли ва аниқ тузатишлар киритиш механизмини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига тузатишлар киритиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига тузатиш киритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2008 йил 3 июлдаги 149-сон қарорининг 1-банди ва қарорга 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-

публикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 2 апрель,
94-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 2 апрелдаги 94-сон қарорига
1-ИЛОВА

## Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига тузатишлар киритиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

### I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига (кейинги ўринларда Маҳаллийлаштириш дастури деб аталади) тузатишлар киритиш тартибини белгилайди.

2. Маҳаллийлаштириш дастурига тузатишлар киритиш:

Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган лойиҳаларнинг айрим параметрларини ўзгартириш;

Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган лойиҳаларни чиқариб ташлаш ёки шундай йўналишдаги муқобил лойиҳалар билан алмаштириш;

республика корхоналарида ишлаб чиқариш-техник ва истеъмол мақсадидаги материаллар ва буюмларни ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга доир янги лойиҳаларни киритиш бўйича асосланган таклифлар асосида амалга оширилиши мумкин.

3. Тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилишини таъминлаш бўйича Махсус комиссиянинг (кейинги ўринларда Махсус комиссия деб аталади) протоколи асосида Маҳаллийлаштириш дастури лойиҳалари параметрларига:

маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотнинг прогноз кўрсаткичлари, маҳаллийлаштиришнинг белгиланган даражасининг пасайишидан ташқари;

маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотнинг техник параметрлари;

маҳаллийлаштирилаётган маҳсулот лойиҳасининг номи;

корхонанинг, шу жумладан мулкчилик шаклининг ёки ташкилий ҳуқуқий шаклининг ўзгариши билан боғлиқ ҳолдаги номи.

Махсус комиссия томонидан, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда, шунингдек тасдиқланган Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхоналарга нисбатан имтиёзларни қўлланиш тўғрисида қарорлар қабул қилиниши мумкин.

4. Махсус комиссия тақдимига кўра Маҳаллийлаштириш дастурига қуйидаги тузатишлар киритилишини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинади:

лойиҳаларни Маҳаллийлаштириш дастурига киритиш ёки ундан чиқариб ташлаш;

Маҳаллийлаштириш дастури айрим лойиҳаларининг маҳаллийлаштириш даражасини пасайтириш.

5. Махсус комиссия фаолиятини ташкил этиш учун Махсус комиссия котиби бошчилик қиладиган ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг ваколатли ходимларидан иборат бўладиган Котибият тузилади.

6. Маҳаллийлаштириш дастурига тузатишлар киритиш ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

## II. Таклифларни киритиш ва кўриб чиқиш тартиби

7. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, маҳаллийлаштириш лойиҳалари ташаббускорлари бўлган хўжалик юритувчи субъектлар (кейинги ўринларда лойиҳа ташаббускори деб аталади) Маҳаллийлаштириш дастурига тузатиш киритиш юзасидан ишлаб чиқилган таклифларни лойиҳа ташаббускорининг раҳбари ва бош бухгалтери томонидан тасдиқланган қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда Махсус комиссия котибиятига киритадилар:

а) Маҳаллийлаштириш дастурига киритишга тавсия қилинаётган лойиҳалар учун эса — лойиҳани Маҳаллийлаштириш дастурига киритиш тўғрисида ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича ариза, имтиёзлар қонун ҳужжатларига мувофиқ Махсус комиссия қарорига кўра қўлланадиган лойиҳалар учун — тасдиқланган Маҳаллийлаштириш дастурида назарда тутилган имтиёзларни қўлланиш тўғрисидаги ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича ариза.

Аризага қуйидагилар илова қилинган бўлиши керак:

4-иловага мувофиқ шакл бўйича маҳаллийлаштириш лойиҳаси паспорти;

корхонанинг кейинги икки йил мобайнидаги тасдиқланган бухгалтерия баланси (1-шакл) ва молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи (2-шакл), давлат солиқ хизмати органи белгиси қўйилган ҳолда;

маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг асбоб-ускуналари, эҳтиёт қисмлари ва технологик жараёнининг муфассал технологик тавсифи;

б) Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган лойиҳаларнинг айрим па-

раметрларига тузатиш киритиш учун — маҳаллийлаштириш лойиҳасининг аниқлаштирилган паспорти (фақат ишлаб чиқариш ҳажмларининг кўпайиши ҳолларидан ташқари), айрим параметрларга тузатишлар киритилиши зарурлигини асослайдиган, таҳлилий ва жадвал материаллари билан биргаликдаги тушунтириш хати;

в) Маҳаллийлаштириш дастуридан чиқаришга тавсия этилаётган лойиҳалар учун — Маҳаллийлаштириш дастуридан лойиҳани чиқариш зарурлиги асослашидан иборат бўлган, таҳлилий ва жадвал материаллари билан биргаликдаги тушунтириш хати.

8. Лойиҳа ташаббускори тақдим этилган, шу жумладан аризада кўрсатилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

9. Лойиҳа ташаббускоридан ушбу Низомда назарда тутилмаган қўшимча маълумотлар тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

10. Махсус комиссия котибияти, лойиҳанинг мақсадидан, уни молиялаштиришнинг манбаларидан ва тавсия этилаётган тузатишлар моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, тушган таклифларни кўриб чиқиш учун икки кун муддатда ваколатли органларга жўнатади.

11. Таклифларни баҳолаш айни бир вақтда қуйидаги ваколатли органлар томонидан амалга оширилади:

а) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан:

лойиҳанинг Маҳаллийлаштириш дастури мақсадлари ва вазифаларига мувофиқлигини;

лойиҳани амалга ошириш имкониятини;

маҳаллийлаштиришнинг таклиф этилаётган даражасига эришиш имкониятини;

лойиҳаларни чиқариб ташлаш ёки лойиҳа параметрларини ўзгартиришнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлаш юзасидан лойиҳани амалга оширишнинг умумий иқтисодий мақсадга мувофиқлигини баҳолаш бўйича;

б) Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан:

таклиф этилаётган маркетинг концепцияси, шу жумладан маҳаллийлаштириладиган маҳсулотни сотиш истиқболлари;

маҳаллийлаштириладиган маҳсулотни ташқи бозорда сотиш нархлари параметрлари (агар лойиҳа ташаббускори томонидан маҳсулотни экспорт қилиш назарда тутилса);

шундай маҳсулотни импорт қилиш таҳлили (ТИФ ТН 10 белги доирасида)

лойиҳаларни чиқариб ташлаш ёки лойиҳаларнинг параметрларини ўзгартиришнинг мақсадга мувофиқлиги асосида лойиҳани амалга оширишнинг самарадорлиги ва имкониятларини баҳолаш бўйича;

в) Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан — бир-бирининг ўрнини босадиган товарларни ва нархлар шаклланишини ҳисобга олган ҳолда рақобат муҳитини,

монополлашув даражасини, ишлаб чиқариладиган маҳсулот билан бозорнинг етарлича таъминланганлигини баҳолаш бўйича;

г) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан (лойиҳа молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбалари ёки Ҳукумат кафолати остидаги кредит маблағлари ҳисобига амалга оширилган тақдирда) — иқтисодий самарадорликни келишиш бўйича.

Зарурат бўлганда, Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда, Иқтисодиёт вазирлигида ваколатли органлар мутахассисларидан иборат таркибда вақтинчалик ишчи гуруҳлар тузилиши мумкин.

12. Ушбу Низомнинг 6-бандида кўрсатилган ҳужжатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича ваколатли органлар асосланган хулосаларни ҳужжатлар тушган вақтдан бошлаб ўн кун муддатдан кечикмай Махсус комиссия котибиятига жўнатади.

Маҳаллийлаштириш дастурига тузатишлар киритиш бўйича таклифлар юзасидан хулосалар нусхаси ваколатли орган томонидан лойиҳа ташаббускорига жўнатилади.

13. Танқидий мулоҳазалар мавжуд бўлган тақдирда ҳужжатлар ваколатли органлар томонидан лойиҳа ташаббускорига пухта ишлаш учун қайтарилади.

Пухта ишланган ҳужжатлар лойиҳаларнинг ташаббускорлари томонидан ушбу Низомнинг 10-бандида кўрсатилган ваколатли органларга тақдим этилади. Ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш ва тегишли хулосаларни Махсус комиссия котибиятига тақдим этиш ваколатли органлар томонидан, илгари кўрсатиб ўтилган танқидий мулоҳазалар лойиҳалар ташаббускорлари томонидан бартараф этилган тақдирда, бир ҳафта муддатда амалга оширилади.

Лойиҳанинг пухта ишланган паспортини кўриб чиқишда ваколатли органлар томонидан янги танқидий мулоҳазалар билдирилишига йўл қўйилмайди.

14. Махсус комиссия котибияти бир ҳафта муддатда ваколатли органларнинг тушган ижобий хулосаларини умумлаштиради ва Махсус комиссия протоколи лойиҳасини, зарурат бўлганда, Ҳукумат қарори лойиҳасини тайёрлайди, Махсус комиссия аъзолари билан келишиб олади ва уларни кўриб чиқиш учун Махсус комиссияга киритади.

Бир ёки ундан кўп ваколатли органларнинг хулосаси салбий бўлган тақдирда Махсус комиссия котибияти тегишли хулосани кўриб чиқиш учун Махсус комиссияга киритади.

15. Махсус комиссия Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ахборот-таҳлил департаментлари иштирокида заруратга кўра ҳар ҳафтада бир марта ўтказиладиган ўз мажлисларида тушган таклифларни (хулосаларни) ва Ҳукумат қарори лойиҳасини кўриб чиқади, Маҳаллийлаштириш дастурига тузатиш киритишнинг мақсадга мувофиқлиги ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида протокол қабул қилади.

16. Махсус комиссия мажлислари комиссия аъзоларининг камида тўртдан уч қисми қатнашганда ўтказилади.

Махсус комиссия қарорлари мажлисда қатнашаётган Махсус комиссия аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда Махсус комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Махсус комиссиянинг қарорлари Махсус комиссия раиси томонидан тасдиқланадиган протокол билан расмийлаштирилади.

17. Ушбу Низомнинг 4-бандида назарда тутилган ҳолларда Иқтисодиёт вазирлиги томонидан бир ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан келишилган Маҳаллийлаштириш дастурига тузатишлар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорининг лойиҳаси киритилади.

## III. Маҳаллийлаштириш дастурига тузатиш киритиш бўйича таклифлар киритишнинг мақсадга мувофиқлигини баҳолашга қўйиладиган ягона мезонлар ва талаблар

18. Лойиҳа параметрларининг қуйидаги мажбурий мезонлар асосида Маҳаллийлаштириш дастури мақсадлари ва вазифаларига мувофиқлиги лойиҳани Маҳаллийлаштириш дастурига киритиш имконияти тўғрисида таклиф киритиш учун асос ҳисобланади:

а) мамлакат саноатини ривожлантиришнинг асосий устувор вазифаларига мувофиқлик;

б) маҳаллийлаштириладиган маҳсулотни ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун қувватлар ва хом ашё ресурсларининг мавжудлиги;

в) маҳаллийлаштириш даражаси босқичма-босқич ошириб борилган ҳолда ишлаб чиқариш бошланган пайтдан бошлаб 12 ой мобайнида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бўйича маҳаллийлаштириш даражасининг камида 30 фоизга етиши;

г) ТИФ ТН коди бўйича пировард маҳсулот товар позициясининг бошланғич хом ашёга нисбатан камида биринчи тўртта белгилардан бири даражасида ўзгаришининг таъминланиши;

д) маҳаллийлаштириладиган маҳсулотга ички ва ташқи бозорларда талабнинг мавжудлиги;

е) шунга ўхшаш маҳсулот импортининг мавжудлиги;

ж) маҳсулотнинг потенциал истеъмолчилари билан шартномаларнинг ёки аҳдлашувларнинг мавжудлиги;

з) маҳаллийлаштириладиган маҳсулотни сотиш нархининг ана шундай импорт қилинадиган маҳсулот нархидан юқори бўлмаслиги (Ўзбекистон Республикасигача бўлган транспорт харажатлари, божхона ва солиқ тўловлари ҳисобга олинган ҳолда);

и) маҳаллийлаштириладиган маҳсулотга нисбатан халқаро стандартлар

бўйича ишлаб чиқариш бошланган пайтдан бошлаб 18 ой мобайнида сифатни бошқариш тизимининг жорий этилиши.

19. Юқорида кўрсатиб ўтилган мезонларга тўлиқ мувофиқ бўлмаган истиқболли лойиҳаларни Маҳаллийлаштириш дастурига киритиш тўғрисидаги қарор Махсус комиссия томонидан қабул қилинади.

20. Маҳаллийлаштириш дастурига улар билан мамлакатимиз бозори етарлича таъминланган, соғлом рақобат муҳити яратилган ёки ишлаб чиқариш ҳажми ички бозор эҳтиёжларини қоплайдиган шундай маҳсулотларни (техник тавсифлари ва истеъмол хусусиятларига кўра) ишлаб чиқарадиган бошқа маҳаллий ишлаб чиқарувчилар мавжуд бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича лойиҳалар киритилмайди.

21. Қуйидагилар лойиҳаларни лойиҳа ташаббускори таклифларига кўра, шу жумладан тенг аҳамиятли лойиҳалар киритилган тақдирда Маҳаллийлаштириш дастуридан чиқариб ташлаш тўғрисида ваколатли органлар томонидан хулоса чиқариш учун асос ҳисобланади:

корхонанинг тугатилиши ёки форс-мажор вазиятлари;

маҳсулотнинг сифати ва нархига кўра рақобатбардошли эмаслиги туфайли маҳсулотнинг ушбу турига ички бозорда талабнинг йўқлиги;

Маҳаллийлаштириш дастури прогноз параметрларининг бажарилмаслиги (йил якунларига кўра 30 фоиздан кам);

мамлакатимиз бозорининг маҳаллийлаштирилаётган маҳсулот билан тўлалиги, соғлом рақобат муҳити мавжудлиги ёки ишлаб чиқариш ҳажми ички бозор эҳтиёжини қоплайдиган шундай маҳсулотнинг (техник тавсифлари ва истеъмол хусусиятларига кўра) бошқа маҳаллий ишлаб чиқарувчилари пайдо бўлганлиги;

солиқ ва божхона имтиёзлари берилиши натижасида бўшайдиган маблағлар тегишли мақсадда фойдаланилмаслиги, шунингдек технологик асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар ва материалларнинг асоссиз равишда импорт қилиниши ҳолларининг аниқланганлиги.

## IV. Якунловчи қоида

22. Лойиҳа Маҳаллийлаштириш дастуридан чиқарилганда лойиҳани амалга ошираётган корхона лойиҳа Маҳаллийлаштириш дастуридан чиқарилган санадан бошлаб қонун ҳужжатларида белгиланган тегишли солиқ ва божхона имтиёзларига бўлган ҳуқуқлардан маҳрум бўлади.

Маҳаллийлаштириш дастурига тузатишлар
киритиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

## Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига тузатишлар киритиш СХЕМАСИ

| Босқичлар | Субъектлар | Ҳаракатлар | Муддатлар |
|---|---|---|---|
| **1-босқич** | Вазирликлар ва хўжалик бирлашмалари — маҳаллийлаштириш лойиҳалари ташаббускорлари | Махсус комиссия котибиятига (Иқтисодиёт вазирлигига):<br>— Маҳаллийлаштириш дастурига тузатиш киритиш (лойиҳаларни киритиш ёки чиқариб ташлаш, маҳаллийлаштириш даражасини пасайтириш) тўғрисида;<br>— маҳаллийлаштириш лойиҳалари параметрларига тузатиш киритиш (прогноз кўрсаткичларни, техник параметрларни, лойиҳа ва корхона номини ўзгартириш, шу жумладан мулкчилик шакли ва ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгариши муносабати билан), шунингдек тасдиқланган Маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ имтиёзларни қўлланиш тўғрисидаги таклиф билан мурожаат қилиш **(7-банд).** | Маҳаллийлаштириш лойиҳалари ташаббускорлари хоҳишига кўра |
| **2-босқич** | Махсус комиссия котибияти (Иқтисодиёт вазирлиги) | Тушган таклифларни ваколатли органларга (Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги) юбориш **(10-банд).** | 2 кун |
| **3-босқич** | Ваколатли органлар | Кўриб чиқиш ва таклифлар юзасидан Махсус комиссия котибиятига хулоса киритиш (**11 — 13-бандлар**). | 17 кун |
| **4-босқич** | Махсус комиссия котибияти (Иқтисодиёт вазирлиги) | Ваколатли органлар хулосаларига мувофиқ тайёрланган Махсус комиссия протоколи ва Ҳукумат қарори лойиҳасини Махсус комиссия аъзолари билан келишиб олиш **(14-банд).** | 7 кун |
| **5-босқич** | Махсус комиссия | Ваколатли органлар хулосаларини ва Ҳукумат қарори лойиҳасини кўриб чиқиш натижалари бўйича Махсус комиссиянинг протоколини қабул қилиш **(15-банд).** | 7 кун |
| **6-босқич** | Иқтисодиёт вазирлиги | Ҳукумат қарори лойиҳасини Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан келишиб олиш (**17-банд**). | 7 кун |

| Босқич-лар | Субъектлар | Ҳаракатлар | Муддатлар |
|---|---|---|---|
| **7-босқич** | Вазирлар Маҳкамасининг Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар йиғма ахборот-таҳлил департаменти | Ҳукумат қарори лойиҳаси изчил ишлаб чиқилиши ва топширилишини ташкил қилиш:<br>1. Ҳужжат лойиҳасини экспертизадан ўтказиш.<br>2. Ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасининг ахборот-таҳлил департаментлари билан келишиб олиш.<br>3. Ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасининг Ҳуқуқий экспертиза ва халқаро шартномалар бошқармасида ҳуқуқий экспертизадан ўтказишни ташкил қилиш.<br>4. Ҳужжат лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари билан келишиб олиш.<br>5. Ҳужжат лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари билан келишиб олиш.<br>6. Ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппарати бошқарувчисининг ўринбосарига топшириш. | 10 кун |
| **8-босқич** | Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати | Ҳужжат лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони билан келишиш (зарурият бўлса). | 2 кун |
| **9-босқич** | Бош вазир | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори | имзолаш |

**Изоҳлар:**

**Кўриб чиқиш муддатлари — 52 кун.**
**Кўриб чиқиш изчиллиги — 9-босқич.**

Маҳаллийлаштириш дастурига тузатишлар
киритиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Лойиҳани Маҳаллийлаштириш дастурига киритиш тўғрисида**
**А Р И З А**

______________________________________________
(ариза берувчи корхона номи)

Юридик манзили: ______________________________________

______________________________________________

Ишлаб чиқариш жойлашган жой ____________________________

телефон _______________ факс _______________

«______________________________________________

______________________________________________»

ишлаб чиқариш лойиҳасини Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига киритишингизни сўраймиз.

Илова қилинаётган ҳужжатлар:

маҳаллийлаштириш лойиҳаси паспорти 4 нусхада;

корхонанинг сўнгги икки йил учун тасдиқланган бухгалтерия баланси (1-шакл) ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи (2-шакл), ДСИ белгиси билан.

Тақдим этилган маълумотлар ишончли ва ҳақиқий, барча нусхалар бир хил.

Раҳбар М.Ў. ________ ____________________
(имзо) (Ф.И.О.)

Бош бухгалтер М.Ў. ________ ____________________
(имзо) (Ф.И.О.)

Маҳаллийлаштириш дастурига тузатишлар
киритиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

**Тасдиқланган Маҳаллийлаштириш дастурида назарда тутилган имтиёзларни қўллаш тўғрисида**
**А Р И З А**

______________________________________________
(ариза берувчи корхона номи)

Юридик манзили: ______________________________
______________________________________________

Ишлаб чиқариш жойлашган жой __________________

телефон __________________ факс __________________

«______________________________________________
______________________________________________»

ишлаб чиқариш лойиҳасига тасдиқланган Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурида назарда тутилган солиқ имтиёзларини татбиқ қилишингизни сўраймиз.

Илова қилинаётган ҳужжатлар:

маҳаллийлаштириш лойиҳаси паспорти 4 нусхада;
корхонанинг сўнгги икки йил учун тасдиқланган бухгалтерия баланси (1-шакл) ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи (2-шакл), ДСИ белгиси билан.

Тақдим этилган маълумотлар ишончли ва ҳақиқий, барча нусхалар бир хил.

Раҳбар М.Ў. ________ ____________________
(имзо) (Ф.И.О.)

Бош бухгалтер М.Ў. ________ ____________________
(имзо) (Ф.И.О.)

Маҳаллийлаштириш дастурига тузатишлар киритиш тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

## Маҳаллийлаштириш лойиҳасининг ПАСПОРТИ

### I. Корхона ва маҳаллийлаштирилаётган маҳсулот тўғрисида асосий маълумотлар

| | |
|---|---|
| Корхонанинг номи | |
| КТУТ | |
| СТИР | |
| Мулкчилик шакли (МШТ) | |
| Йирик/кичик корхона (ПТП) | |
| Юқори ташкилотнинг номи (ДБИБТ) | |
| Корхонанинг манзили, телефони, факси, e-mail (МҲОБТ) | |
| Раҳбарият: Ф.И.О. | |
| Бош бухгалтер: Ф.И.О. | |
| Корхона ташкил этилган йил | |
| Корхонанинг ҳозирги вақтдаги фаолияти йўналиши (ХХТУТ) | |
| Умумий майдони, га (шу жумладан бинолар ва иншоотлар майдони) | |
| Эълон қилинган устав фонди (минг сўм) | |
| Шакллантирилган устав фонди (минг сўм) | |
| Мавжуд ишлаб чиқариш инфратузилмаси[1] | |
| Маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотнинг номи | |
| Маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотни ишлаб чиқаришдаги технологик жараённинг ва фойдаланиладиган асбоб-ускуналарнинг тавсифи | |
| ТИФ ТН коди, 10 белги даражасида | |
| ДС, ОСТ, ТШ, O’zDst ва бошқалар | |
| ДС, ОСТ, ТШ, O’zDstга ва бошқаларга мувофиқ техник параметрлар | |
| Ишлаб чиқаришнинг йиллик ўртача қуввати (физик ҳажмларда) | |

[1] Мавжуд ишлаб чиқариш инфратузилмасини, асосий ишлаб чиқариш фондларини, ишлаб чиқариш майдонини, унинг асбоб-ускуналарни жойлаштиришга тайёрлигини тавсифлаш.

## II. Ишлаб чиқаришнинг прогноз параметрлари

| Лойиҳанинг номи | Ўлчов бир-лиги | Ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳаллийлаштириш даражаси | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | ишлаб чиқаришнинг биринчи йили | | | ишлаб чиқаришнинг иккинчи йили | | ишлаб чиқаришнинг учинчи йили | |
| | | миқ-дори | сумма (млн. сўм)[2] | маҳаллий-лаштириш даражаси%[3] | миқ-дори | маҳаллий-лаштириш даражаси % | миқ-дори | маҳаллий-лаштириш даражаси % |
| | | | | | | | | |
| | | | | | | | | |

## III. Самарадорлик кўрсаткичлари

| Самарадорлик кўрсаткичлари номи | Ўлчов бирлиги | Кўрсаткич *(ишлаб чиқаришнинг биринчи йилида)* |
|---|---|---|
| Маҳаллийлаштириладиган маҳсулот ишлаб чиқаришда қўшилган қиймат *(амортизация ажратмалари, фойда ва иш ҳақи, ижтимоий сугуртага ажратмаларнинг умумий суммаси)* | млн. сўм | |
| Импортнинг ўрнини босиш самараси *(аналог маҳсулот импортининг муқобил қиймати)* | минг доллар | |
| Валюта маблағларини тежаш *(маҳаллийлаштириладиган маҳсулот ишлаб чиқариш учун импорт асбоб-ускуналар сотиб олиш учун йўналтириладиган маблаглар чиқариб ташланган ҳолда валютанинг ўртача ойлик курсига бўлинган ишлаб чиқариш ҳажми)* | минг доллар | |
| Янги иш ўринлари ташкил этиш | бирлик | |
| Имтиёзларни қўллаш натижасида бўшаб қоладиган маблағларнинг мўлжалланаётган ҳажми | млн. сўм | |

## IV. Маҳсулотнинг айланиши ҳисоби (кунлар ҳисобида)

| | |
|---|---|
| Омбордаги хом ашё захиралари | |
| Тайёр маҳсулот захиралари | |

---

[2] Маълумот учун.

[3] Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражаси қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқарилади:

$$\text{Ул} = \left(1 - \frac{\text{И}}{\text{С}}\right) * 100\%, \text{ шу билан бирга } 0 \le \text{И} < \text{С} \quad \text{бунда:}$$

Ул — маҳсулотни маҳаллийлаштириш даражаси;

И — импорт қилинаётган хом ашё, материаллар ва бутловчи буюмларнинг сўмларда ифодаланган валюта қиймати;

С — маҳсулот бирлигининг ишлаб чиқариш таннархи.

(Маҳаллий етказиб берувчилардан сотиб олинадиган импорт хом ашё маҳаллий хом ашё бўлмаслиги керак)

Маҳаллийлаштириш даражаси босқичма-босқич оширилган тақдирда маҳаллийлаштириш даражаси ошишини асословчи бутловчи буюмлар, хом ашё ва материалларнинг аниқ номлари кўрсатилсин.

| | |
|---|---|
| Хом ашё ва бутловчи буюмлар учун тўлов | |
| Коммунал хизматлар учун тўлов | |

## V. Лойиҳа бўйича чиқимларнинг молиявий прогнози (ишлаб чиқаришнинг лойиҳадаги қуввати бўйича)

### Шартли — ўзгарувчан чиқимлар

| Т/р | Номи | Ўлчов бир-лиги | Нархи (минг сўм) | Божхона тўловлари (ҚҚС ставкалари (%), божлар (%), акциз (%)) ҳисобга олинган нархи (минг сўм) | Йиллик эҳтиёж | Божхона тўловлари ҳисобга олинган йиллик чиқимлар (минг сўм) |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | Материаллар ва хом ашё, шу жумладан: | | | | | |
| 1. | Импорт материаллар ва хом ашё | | | | | |
| 1.1. | | | | | | |
| 2. | Маҳаллий материаллар ва хом ашё | | | | | |
| 2.1. | | | | | | |
| | Бутловчи буюмлар (мавжуд бўлганда), шу жумладан: | | | | | |
| 3. | Импорт бутловчи буюмлар | | | | | |
| 3.1. | | | | | | |
| 4. | Маҳаллий бутловчи буюмлар | | | | | |
| 4.1. | | | | | | |
| 5. | Коммунал хизматлар харажатлари | | | | | |
| 5.1. | | | | | | |
| 6. | Бошқа харажатлар | | | | | |

### Шартли — доимий харажатлар (МҲТФдан ташқари)

| Т/р | Номи | Ўлчов бирлиги | Нархи (минг сўм) | Йиллик эҳтиёж | Йиллик чиқимлар |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Бошқарув харажатлари | | | | |
| 1.1. | | | | | |
| 1.2. | | | | | |
| 2. | Ишлаб чиқариш харажатлари | | | | |
| 2.1. | | | | | |
| 2.2. | | | | | |
| 3. | Маркетинг харажатлари | | | | |
| 4. | Бошқа харажатлар | | | | |

| | |
|---|---|
| Паспорт тўлдирилган санада валюта курси | |

## Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари[4]

| Т/р | Ходимлар номи | Ходимлар сони | Ўртача ойлик иш ҳақи (минг сўм) | Жами бир ойда (минг сўм) | Жами бир йилда (минг сўм) |
|---|---|---|---|---|---|
| | Маъмурият | | | | |
| | | | | | |
| | Ишлаб чиқариш ходимлари | | | | |
| | | | | | |

## Солиқ солиш

| Т/р | Солиқларнинг номи | Солиқ ставкаси | Ҳисоблаш базаси | Даврийлиги |
|---|---|---|---|---|
| | Умумдавлат солиқлари | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | Маҳаллий солиқлар | | | |
| | | | | |

## VI. Маҳсулот таннархи калькуляцияси[5]

| Т/р | Номи | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Нархи (минг сўм) | Суммаси | Таннархдаги улуши |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | Материаллар, шу жумладан: | | | | | |
| | Импорт материаллар | | | | | |
| | | | | | | |
| | Маҳаллий материаллар | | | | | |
| | | | | | | |
| | Бутловчи буюмлар, шу жумладан: | | | | | |
| | Импорт бутловчи буюмлар | | | | | |
| | Маҳаллий бутловчи буюмлар | | | | | |
| | Бошқа чиқимлар | | | | | |
| | Ишлаб чиқариш таннархи | | | | | |
| | Маҳсулот бирлиги ҳисобига жами | | | | | |
| | Маҳсулот бирлигини сотиш нархи | | | | | |

[4] Даромад солиғи, Пенсия жамғармасига ажратмалар, ижтимоий суғурталар ва касаба уюшмаси бадаллари қўшилган ҳолда тўлиқ ҳисоблаб ёзилган.

[5] Маҳсулот таннархи калькуляцияси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарорига мувофиқ ҳисоблаб чиқилади.

## VII. Лойиҳанинг қиймати ва молиялаштириш манбалари[6]

| Т/р | Лойиҳанинг қиймати, шу жумладан | Ўлчов бирлиги | Қий-мати | Молиялаштириш манбалари | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | ўз маблағлари | бюджет маблағлари | қарз маблағлари |
| 1. | Қатъий белгиланган активлар | | | | | |
| 1.1. | Маҳаллийлаштирилаётган маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун қурилиш-монтаж ишлари (мавжуд бўлганда) | | | | | |
| 1.2. | Маҳаллийлаштирилаётган маҳсулот-ни ишлаб чиқаришда фойдаланила-диган бино ва иншоотлар | | | | | |
| 1.3. | Маҳаллийлаштирилаётган маҳсулот-ни ишлаб чиқаришда фойдаланила-диган асбоб-ускуналар, шу жумладан: | | | | | |
| 1.3.1. | мавжуд бўлгани | | | | | |
| 1.3.2. | сотиб олинадигани | | | | | |
| 2. | Айланма капитал | | | | | |
| 3. | Молиявий чиқимлар | | | | | |
| 4. | Бошқа чиқимлар | | | | | |
| | Жами | | | | | |

## VIII. Лойиҳа ва инвестицияларни (капитал харажатларни) амалга оширишнинг календарь жадвали[7]

| Т/р | Лойиҳани амалга ошириш босқичлари | ойлар бўйича (йил) | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 01 | 02 | 03 | 04 | 05 | 06 |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |

## IX. Лойиҳанинг маркетинг стратегияси

Маҳсулотни сотиш бўйича аниқ маркетинг стратегиясини (сотиш йўллари, савдо маркази, брэнд мавжудлигини, маҳсулотнинг потенциал истеъмолчилари билан олдиндан аҳдлашувларнинг мавжудлигини, рақобатчиларни ва уларнинг бозордаги улушини[8], шунга ўхшаш буюмларни ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчилардан рақобатли устунликлар мавжудлигини, ички ва ташқи бозорлар эҳтиёжи ҳажмини тавсифлаш.

[6] Қарз маблағлари жалб этилган тақдирда банкларнинг молиялаштириш шартларини (кредит муддати ва уни қайтариш жадвали, асосий қарз бўйича тўловлар учун имтиёзли давр, кредит бўйича фоиз ставкаси, молиялаштиришни бошлаш учун банкнинг воситачилик ҳақи, суғурта ва гаровни нотариал расмийлаштириш харажатлари, божхона харажатлари ва бошқалар) тақдим этиш зарур.

[7] Ишлаб чиқариш илгаридан фаолият кўрсатаётган бўлса, унинг ишга туширилган йили кўрсатилсин.

[8] Паспорт тўлдирилган санага рақобатчиларнинг тижорат таклифлари нусхалари илова қилинсин.

## X. Хом ашё ва бутловчи буюмларни етказиб берувчилар тўғрисидаги умумий маълумотлар

| Т/р | Хом ашё ва бутловчи буюмлар номи, ТИФ ТН коди, 10 белги даражасида | ДС, ТШ ва шу кабиларга мувофиқ техник параметрлар | Хом ашё ва бутловчи буюмларни етказиб берувчилар | Етказиб бериш ҳажми | Етказиб бериш муддатлари | Контрактациянинг мавжудлиги |
|---|---|---|---|---|---|---|

## XI. Истеъмолчилар тўғрисидаги умумий маълумотлар

| Т/р | Харидорнинг номи | Шартноманинг тартиб рақами ва тузилган санаси | Маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотнинг номи | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Сумма (млн. сўм) | Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг ижро этувчи органида рўйхатдан ўтказишнинг тартиб рақами ва санаси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |

Раҳбар М.Ў. ________ ______________________
(имзо) (Ф.И.О.)

Бош бухгалтер М.Ў. ________ ______________________
(имзо) (Ф.И.О.)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 164 Банкрот бўлган «Ўзбекқишлоқмаш» ОАЖ корхонаси номенклатураси қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқаришини сақлаб қолиш чора-тадбирлари тўғрисида

**[Кўчирма]**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 4 апрелдаги ПҚ–830-сон қарорини бажариш юзасидан ҳамда қишлоқ хўжалигини илгари «Ўзбекқишлоқмаш» ОАЖ томонидан ишлаб чиқарилган техника билан таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг қишлоқ хўжалиги техникаси ва унга бутловчи буюмлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун тугатилаётган «Ўзбекқишлоқмаш» ОАЖдан «Агрегат заводи» ОАЖга:

тугатиш қиймати бўйича — иловага* мувофиқ рўйхат бўйича ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарини «Агрегат заводи» ОАЖнинг устав фондидаги давлат улушини кўпайтириш ҳисобига;

текин асосда — конструкторлик ва технологик ҳужжатларни, шунингдек технологик жиҳозларни бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси кўрсатиб ўтилган ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари, конструкторлик ва технологик ҳужжатлар, шунингдек технологик жиҳозлар «Агрегат заводи» ОАЖга берилишини таъминласин.

3. Белгилансинки:

ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарини қайта жойлаштириш, монтаж қилиш, ишга тушириш-созлаш ишлари ва ишлаб чиқариш қувватларини қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқаришга тайёрлаш «Агрегат заводи» ОАЖнинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилади;

«Агрегат заводи» ОАЖ 2009 йилдан бошлаб «Ўзбекқишлоқмаш» ОАЖнинг қишлоқ хўжалиги техникаси номенклатураси ишлаб чиқарилишини ва босқичма-босқич модернизация қилинишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси:

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Адлия вазирлиги билан биргаликда инвесторларнинг инвестиция мажбуриятларини ва уларни бажариш жадвалларини аниқ акс эттирган ҳолда «Ўзбекқишлоқмаш» ОАЖнинг кўчмас мол-мулкини сотишга шартномалар тузишда «Ўзбекқишлоқмаш» ОАЖнинг тугатувчи бошқарувчисига кўмаклашсин;

инвесторлар қабул қилган инвестиция мажбуриятлари улар томонидан бажарилиши устидан қатъий назоратни таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.У. Розуқулов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 2 апрель,
95-сон

---

* Илова берилмайди.

# БЕШИНЧИ БЎЛИМ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ, РАҚОБАТ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 166 Табиий монополия субъектларининг Давлат реестрини тузиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 30 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1930*

*(2009 йил 9 апрелдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 212-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 майдаги ПҚ–66-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси тўғрисидаги низом»га мувофиқ Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Илова қилинаётган «Табиий монополия субъектларининг Давлат реестрини тузиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низом» тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси в.б.** **Б. УЛАШОВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 23 февраль,
7-сон

Монополиядан чиқариш, рақобат ва
тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат
қўмитасининг 2009 йил 23 февралдаги
7-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

## Табиий монополия субъектларининг Давлат реестрини тузиш ва юритиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

### I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 212-модда) мувофиқ табиий монополия субъектларининг Давлат реестрини (бундан кейинги ўринларда Реестр деб юритилади) тузиш ва юритиш тартибини белгилайди.

2. Реестр табиий монополия субъектлари тўғрисидаги маълумотларни қоғоз ва электрон шаклларда сақловчи ягона ахборот базаси ҳисобланади.

3. Реестрни тузиш Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси (бундан кейинги ўринларда Қўмита деб юритилади) ва унинг ҳудудий органлари томонидан иловада келтирилган рўйхатга мувофиқ табиий монополия шароитида ишлаб чиқариладиган (реализация қилинадиган) товарлар, ишлар ва хизматлар (бундан кейинги ўринларда товарлар деб юритилади) бўйича амалга оширилади.

4. Реестрни юритиш табиий монополия субъекти ва унинг хўжалик фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ягона ахборот базасига киритиш, ушбу маълумотларни янгилаш, табиий монополия субъекти тўғрисидаги маълумотларни базадан чиқариш йўли билан амалга оширилади.

### II. Реестрга киритиш

5. Реестрга ташкилий-ҳуқуқий ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, табиий монополия шароитида товарлар ишлаб чиқарадиган (реализация қиладиган) табиий монополия субъектлари киритилади.

Хўжалик фаолиятининг бир қисми сифатида табиий монополия шароитидаги товарларни ишлаб чиқарувчи (реализация қилувчи) хўжалик юритувчи субъектлар ҳам Реестрга киритилади.

Табиий монополия субъектларининг турли соҳаларидаги фаолиятлар билан шуғулланувчи табиий монополия субъекти, ҳар бир фаолият тури бўйича Реестрга киритилади.

6. Табиий монополия субъектларини Реестрга киритиш давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмалари, хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда

бошқа манбалардан олинган табиий монополия шароитида товарлар ишлаб чиқарилаётганлиги (реализация қилинаётганлиги) тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш асосида амалга оширилади.

7. Қўмита ёки унинг ҳудудий органи табиий монополия субъектини Реестрга киритиш учун унга Қўмита томонидан тасдиқланадиган шаклдаги сўровнома юборади.

8. Табиий монополия субъекти сўровномани олган пайтдан бошлаб ўн кундан кечиктирмасдан сўровномани тўлдиради ва уни Қўмита ёки унинг ҳудудий органига тақдим этади.

9. Табиий монополия субъектини Реестрга киритиш Қўмита ёки унинг ҳудудий органи буйруғи билан расмийлаштирилади.

10. Табиий монополия субъектини Реестрга киритилганлиги тўғрисидаги билдиришнома, Қўмита ёки унинг ҳудудий органи томонидан Реестрга киритилган табиий монополия субъектига ва тегишли молия органига буйруқ расмийлаштирилгандан кейин беш кунлик муддатда юборилади.

11. Табиий монополия субъекти Реестрга киритилганлиги тўғрисидаги билдиришномани олган пайтдан эътиборан ўн кунлик муддатда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги 364-сонли қарори билан тасдиқланган «Табиий монополия субъектларининг товарлари (ишлари, хизматлари)га нарх (тарифлар) белгилаш тартиби тўғрисидаги низом»га (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами, 2000 йил, 9-сон, 61-модда) мувофиқ, табиий монополия шароитида ишлаб чиқарилаётган (реализация қилинаётган) товарлар нархлари (тарифлари) ёки уларнинг энг юқори даражаларини (почта алоқаси универсал хизматларига тарифлар бундан мустасно) тасдиқлаш учун тегишли молия органига мурожаат қилади.

12. Табиий монополия субъекти жойлашган манзили (почта манзили), солиқ тўловчининг идентификацион рақами ўзгарган тақдирда, ўн кун муддатда бу ҳақда Қўмита ёки унинг ҳудудий органини ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

## III. Реестрдан чиқариш

13. Қуйидаги ҳолларда табиий монополия субъекти Реестрдан чиқарилади:

қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда табиий монополия субъекти тугатилганда;

табиий монополия субъекти томонидан табиий монополия шароитида товарларни ишлаб чиқариш (реализация қилиш) тўхтатилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ табиий монополия субъектларининг фаолияти соҳасида давлат томонидан тартибга солиш тўхтатилганда.

14. Табиий монополия субъектини Реестрдан чиқариш Қўмита ёки унинг ҳудудий органи буйруғи билан расмийлаштирилади.

15. Табиий монополия субъектини Реестрдан чиқариш тўғрисидаги бил-

диришнома, Қўмита ёки унинг ҳудудий органи томонидан Реестрдан чиқарилган табиий монополия субъектига ва тегишли молия органига буйруқ расмийлаштирилгандан кейин беш кунлик муддатда юборилади.

## IV. Якуний қоидалар

16. Мазкур Низом талабларини бузишда айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

17. Қўмита ёки унинг ҳудудий органларининг Реестрга киритиш ёки Реестрдан чиқариш тўғрисидаги буйруқларидан норози бўлган табиий монополия субъектлари қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда судга ёки Қўмитага мурожаат қилишга ҳақлидир.

Табиий монополия субъектларининг
Давлат реестрини тузиш ва юритиш
тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

## Табиий монополия шароитида ишлаб чиқариладиган (реализация қилинадиган) товарлар (ишлар, хизматлар) РЎЙХАТИ

1. Нефть, нефть маҳсулотлари ва газни қувур орқали транспортировка қилиш соҳасида:

нефть, нефть маҳсулотлари ва газни қувур орқали транспортировка қилиш хизматлари.

2. Электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ҳамда транспортировка қилиш соҳасида:

электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш;

электр ва иссиқлик энергиясини транспортировка қилиш, шу жумладан абонентдан субабонентгача транспортировка қилиш хизматлари.

3. Темир йўллар инфратузилмасидан фойдаланиш соҳасида:

умумий фойдаланиладиган темир йўллар, темир йўл станциялари, электр таъминоти ускуналари, алоқа тармоқлари, сигнализация, марказлаштириш ва блокировкалаш тизимлари, ахборот комплекси ва ҳаракатланишни бошқариш тизими ҳамда ушбу комплекс фаолиятини таъминловчи бошқа объектларни ўз ичига олувчи технологик комплекс хизматлари.

4. Умумий эркин фойдаланиладиган почта алоқаси хизматлари соҳасида:

ёзма корреспонденцияларни жўнатиш бўйича умумий эркин фойдаланиладиган почта алоқаси хизматлари (оддий, буюртма ва қимматли хатлар, бандероллар, оддий ва буюртма почта варақчалари ҳамда секограммалар (кўзи ожизлар учун), шунингдек майда пакетлар).

5. Сув қувурлари ва канализация хизматлари соҳасида:

сув таъминоти ва канализация (оқова сувларни тортиш ва тозалаш) ҳамда сув ва оқова сувларни транспортировка қилиш хизматлари.

6. Аэронавигация хизматлари соҳасида:

ҳаводаги ҳаракатни бошқариш, парвозларнинг радиотехник таъминоти, аэронавигация ахборотларини тақдим этиш.

7. Порт хизматлари соҳасида:

юкларни (шу жумладан юкли ва бўш контейнерларни) ортиш, тушириш ва сақлаш хизматлари;

иншоотлар ва мосламалар комплексига эга ва соҳилнинг тегишли участкаси (порт ҳудуди) билан сувга туташ бўлган ҳудудда (порт акваторийсида) кемаларни ёқилғи билан таъминлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш хизматлари.

8. Аэропорт хизматлари соҳасида:

самолётларнинг учишини таъминлаш, йўловчиларга хизмат кўрсатиш, юклар, почта ва багажларга ишлов бериш хизматлари.

9. Транспорт терминаллари хизматлари соҳасида:

божхона ва бошқа жараёнларни ўтказиш даврида терминал ҳудудида юкларни (шу жумладан юкли ва бўш контейнерларни) ортиш-тушириш, сақлаш ва омбор операциялари, терминалнинг бошқа инфратузилмасидан фойдаланиш билан боғлиқ хизматлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР, ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

# 167 Ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 31 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1932*

*(2009 йил 10 апрелдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 й., 12-сонга 1-илова), Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуннинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сон, 232-модда) 7-моддаси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сон, 230-модда) 7-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 мартдаги «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ–1050-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 5-сон, 37-модда) мувофиқ қарор қиламиз:

1. Илова қилинаётган Ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Молия вазири** **Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 10 март,
32-сон

**Иқтисодиёт вазири** **Б. ХОДЖАЕВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 10 март,
69-сон

**Ташқи иқтисодиёт алоқалар,
инвестициялар ва савдо вазири** **Э. ҒАНИЕВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 10 март,
ЭГ-01/10-1559-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси** **Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 10 март,
2009-16-сон

**Давлат божхона
қўмитаси раиси** **С. НОСИРОВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 10 март,
01-02/8-5-сон

Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги,
Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар
ва савдо вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси,
Давлат божхона қўмитасининг
2009 йил 10 март 32, 69, ЭГ-01/10-1559,
2009-16, 01-02/8-5-сон қарорига
ИЛОВА

## Ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 й., 12-сонга 1-илова), Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуннинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сон, 232-модда) 7-моддаси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонуннинг (Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сон, 230-модда) 7-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 мартдаги «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ–1050-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 5-сон, 37-модда) мувофиқ ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартибини белгилайди.

## I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 мартдаги «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ–1050-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 5-сон, 37-модда) мувофиқ, ушбу Низомнинг 1-иловасида келтирилган товар гуруҳлари бўйича, имтиёз берилган ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ҳажми умумий ишлаб чиқариш ҳажмининг камида 60 фоизини ташкил этадиган ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар учун 2012 йил 1 январгача солиқ ва божхона имтиёзлари бўйича имтиёз ва преференциялар қуйидаги кўринишда берилади:

а) қуйидагиларни тўлашдан озод этилади:

юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи;

юридик шахслардан олинадиган мулк солиғи;

микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови;

маҳсулот реализацияси ҳажмидан Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича импорт қилинадиган, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган хом ашё ва материалларни божхона тўловларидан (божхона расмийлаштирув йиғимларидан ташқари).

б) ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ўзи учун ишлаб чиқаришда зарур бўлган хом ашё, материаллар ва фурнитураларни импорт қилишда божхона декларацияси қабул қилинган кундан бошлаб, божхона тўловларини тўлашни (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) 60 кунгача бўлган муддатга кечиктириш.

Кечиктириб тўлаш Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган импорт қилишда божхона тўловларидан озод қилинадиган хом ашё ва материаллар рўйхатига киритилмаган хом ашё, материаллар ва фурнитураларга берилади.

2. Ушбу Низомнинг 1-банди «а» кичик бандида кўрсатилган имтиёзлар берилиши муносабати билан бўшаб қоладиган маблағлар, корхоналар томо-

нидан янги ишлаб чиқаришларни ташкил қилишга, шунингдек фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқаришларни модернизациялашга, реконструкция қилишга, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё ва материалларни сотиб олишга, киритилган инвестицияларни, шу жумладан кредитларни қоплашга йўналтирилади.

Тақдим этилган имтиёзлар натижасида бўшаган маблағлар мақсадга мувофиқ фойдаланилмаган тақдирда, бу маблағлар ўрнатилган тартибда пеня ҳисобланган ҳолда бюджетга тўлиқ ўтказилади.

3. Корхоналарга тақдим этилган имтиёзларни расмийлаштириш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби, уларни тақдим этиш натижасида бўшаган маблағлардан фойдаланиш тартиби Юридик шахсларга солиқлар, божхона ва мажбурий тўловларни бюджетга тўлаш бўйича берилган имтиёзларни расмийлаштириш ва бухгалтерлик ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низом (2005 йил 2 апрель, рўйхат рақами 1463 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 14-сон, 105-модда) билан тартибга солинади.

## II. Имтиёзлар ва префренияларни қўллаш тартиби

4. Солиқлар ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар ва преференциялар корхоналарга ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органларига тақдим этиладиган аризага асосан тақдим этилади.

5. Божхона тўловлари бўйича имтиёзлар (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) олиб кирилаётган товарларни эркин муомалага чиқариш режимига ўтказиш божхона расмийлаштируви пайтида тақдим этилади.

Бунда солиқ солинадиган оборотлар, шу жумладан ноль даражали ставка қўлланиладиган оборотлар учун фойдаланиладиган импорт қилинган товарларга ҳисобланган қўшилган қиймат солиғи суммаси тайёр маҳсулот бўйича бюджетга тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқаришда камайтирилади (ҳисобга олинади).

6. Божхона тўловларини кечиктириб тўлашга рухсат олиш учун (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) корхоналар томонидан божхона органларига Божхона тўловларини тўлаш муддатини узайтириш ва кечиктириш бўйича Йўриқномага (1999 йил 8 апрель, рўйхат рақами 697 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 1999 й., 4-сон) мувофиқ ҳужжатлар тақдим этилади, бундан хизмат кўрсатувчи банкнинг депозит ҳисобварағида маблағлар йўқлиги тўғрисидаги маълумотнома мустасно.

7. Имтиёз берилган ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ҳақиқатда ихтисослашганлигини тасдиқлаш учун имтиёзлардан фойдаланган корхоналар йил якунлари бўйича солиқ ҳисоботи билан бирга давлат солиқ хизмати органларига ушбу Низомнинг 3-иловасида келтирилган шаклга мувофиқ Маълумотнома ҳисоб-китобни тақдим этади.

8. Агар ҳисобот йили якунлари бўйича корхона тақдим этилган Маълумотнома ҳисоб-китобга асосан имтиёз бериш учун белгиланган мезонларга мос келмаса (имтиёзлар берилган ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона бўлиб ҳисобланмаганда) солиқ ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар, уларни ўрнатилган тартибда пеня ҳисобланган ҳолда, бюджетга тўланиши бўйича мажбуриятлар тикланиб бекор қилинади.

Корхоналар имтиёзлардан фойдаланиш учун белгиланган мезонларга мос келмай қолиш фактлари аниқланганда, давлат солиқ хизмати органлари 10 иш куни ичида аниқланган фактлар тўғрисида ўрнатилган тартибда аввал тўланмаган божхона тўловлари ундириш чораларини кўриш учун давлат божхона хизмати органларини хабардор қилади.

## III. Якуний қоида

9. Солиқ ва божхона имтиёзларининг тўғри қўлланиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Ноозиқ-овқат истеъмол товарларини
ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар
томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини
қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

## Ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда солиқ ва божхона имтиёзлари ва преференциялари бериладиган товар гуруҳларининг
## РЎЙХАТИ

| Товар гуруҳи | Имтиёз қўлланиладиган товарлар номи |
|---|---|
| I. Тайёр ип -газлама матолари (чит ва сатиндан ташқари) | Астарбоп мато |
| | Тик матоси |
| | Кўйлакбоп, шу жумладан аралашма толадан |
| | Кўйлакбоп мато (аёллар) |
| | Фланель, бумазея (Паҳмоқ, бумазей) |
| | Жинси матоси |
| | Сочиқбоп газлама (вафел) |
| | Сочиқбоп газлама (паҳмоқли) |
| | Диагонал газламаси |
| II. Тайёр аралашма матолар | Аралашмали газламаларнинг барча турлари |
| III. Тайёр шойи (атласдан ташқари) матолар | Креп шифон газламаси |
| | Креп жоржет газламаси |
| | Крепдешин |
| | Альпак |

| Товар гуруҳи | Имтиёз қўлланиладиган товарлар номи |
|---|---|
| | Пардабоп |
| | Астарбоп |
| | Бахмал |
| IV. Пойабзал ва уни ишлаб чиқариш учун материаллар | Болалар пойабзали |
| | Аёллар пойабзали |
| | Эркаклар пойабзали |
| | Спорт пойабзали |
| | Гусарбоп пойабзал |
| | Полиуретан, резина ва поливинилхлориддан пойабзалнинг таг чармлари |
| | Пойабзал қолиплари |
| | Пойабзал елими |
| | Пойабзал михлари |
| | Супинатор ва фурнитура |
| | Чармкартон |
| | Табиий чарм |
| | Сунъий чарм |
| | Резинали пойабзал (калишлардан ташқари) |
| V. Тайёр тикувчилик буюмлари | Болалар ва ўсмирлар кўйлаги |
| | Қиз болалар ва ўсмирлар кўйлаги |
| | Болалар ва ўсмирлар костюми, пиджаги ва шимлари |
| | Болалар ва ўсмирлар курткалари |
| | Болалар ва ўсмирлар пальтолари |
| | Блузкалар ва кофталар |
| | Юбкалар |
| | Аёллар кўйлаги |
| | Аёллар плашлари |
| | Эркаклар плашлари |
| | Аёллар ва эркаклар костюмлари |
| | Эркаклар кўйлаги |
| | Курткалар |
| | Аёллар ва эркаклар шимлари |
| | Аёллар пальтоси |
| | Эркаклар пальтоси |
| | Чақалоқлар учун кийимлар |
| | Мактаб формаси |
| VI. Бош кийимлар (миллий бош кийимлардан ташқари) | Шляпалар, береталар, қалпоқлар, кепкалар, телпаклар |
| VII. Пайпоқ буюмлари | Колготкалар |
| | Болалар ва аёллар узун пайпоқлари |
| | Пайпоқлар |
| | Гольфилар |
| | Гетра |
| VIII. Тўқимачилик атторлик буюмлари | Метрли ленталар, резинали продержка, ҳар хил тесма, бахрама-попуклар |
| | Турли бош кийимлар (рўмоллар) |

| Товар гуруҳи | Имтиёз қўлланиладиган товарлар номи |
|---|---|
| | Шарфлар |
| | Дастрўмоллар |
| | Бўйинбоғлар |
| | Корсет маҳсулотлари |
| | Тюль-гардин анжомлари, кружева, безак тўрлар |
| | Текстиль шнурлари |
| | Ошхона матолари (дастурхон, салфеткалари) |
| **IX. Металл атторлик буюмлари** | Қайчилар |
| | Тикув буюмлари учун фурнитура (тугмачалар, замоклар, занжирсимон ёпқичлар, застежкалар, тўқалар, тўғноғичлар ва безаклар, кнопкалар, илмоқлар) |
| | Кўзойнаклар, оправалар ҳамда оптик ва қуёшдан ҳимоя қилувчи кўзойнаклар учун ғилофлар |
| | Спицалар, тўқишда фойдаланиладиган илмоқлар, тўғноғичлар, шпилькалар, зажимлар, игналар |
| **X. Пластмасса атторлик буюмлари** | Тиш щеткалари |
| | Кийим щеткалари |
| | Тароқлар, заколкалар |
| | Ойна буюмлари |
| | Тикув буюмлари учун фурнитура (тугмачалар, замоклар, занжирсимон ёпқичлар, застежкалар, тўқалар, тўғноғичлар ва безаклар, кнопкалар, илмоқлар) |
| | Кўзойнаклар, оправалар ҳамда оптик ва қуёшдан ҳимоя қилувчи кўзойнаклар учун ғилофлар |
| | Спицалар, тўқишда фойдаланиладиган илмоқлар, тўғноғичлар, шпилькалар, зажимлар, игналар |
| **XI.Чарм атторлик буюмлари** | Аёллар, эркаклар, ўқувчилар сумкалари |
| | Спорт товарлари (қўлқоплар, қоплар, грушалар, шлемлар, лапалар, кураш гиламлари, татами, тўрлар, рюкзаклар) |
| | Ҳар хил тўплар, тиббиёт тўплари |
| | Ишбилармонлар сумкалари (кейслар, дипломатлар, портфеллар) |
| | Қўлқоплар |
| | Жомадонлар, йўл (хўжалик) ва спорт сумкалари |
| | Камарлар, чарм атторлик анжомлари, палаткалар |
| | Майда атторлик буюмлари (футлярлар, ғилофлар, портмоне, ҳамёнлар) |
| | Чарм кийимлар |

| Товар гуруҳи | Имтиёз қўлланиладиган товарлар номи |
|---|---|
| **XII. Парфюмерия-косметика товарлари, санитария ва шахсий гигиена товарлари** | Дезодорантлар, одеколонлар, духи, геллар, лосьонлар, вазелин |
| | Эркак ва аёллар косметикаси |
| | Кремлар (қўл, юз,оёқ учун, соқол олингандан сўнг ишлатиладиган) |
| | Туалет совуни, жумладан суюқ совун |
| | Шампунлар |
| | Тиш пастаси |
| | Болалар тагликлари |
| | Аёллар гигиена тагликлари |
| | Ҳашаротларга қарши восита |
| | Санитария-гигиена ювиш воситалари |
| **XIII. Металл идишлар ва ошхона анжомлари** | Қошиқ, санчқи ва пичоқлар |
| | Кастрюлка, това, чойнаклар, кофе чойнаклар, бидонлар, металл тоғоралар (эмалланганлардан ташқари) |
| | Металл ва полимер ошхона анжомлари ва уларнинг наборлари |
| | Ҳаммомлар ва ҳожатхоналар учун металл ва полимер наборлар |
| | Чинни идишлар (чойнаклар, тарелкалар, пиёлалар, лаганлар, чинни сервизлар) |
| **XIV. Электр ёритиш жиҳозлари** | Қандиллар, лампалар ва ёриткичлар (хрустал ва саноат учун мўлжалланганлардан ташқари) |
| **XV. Мебель учун фурнитура** | Мебель учун фурнитура (металл, полимер), шу жумладан ошиқ-мошиқ ва шарнирлар |

Ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

____________________________________________________

(божхона расмийлаштирув жойи бўйича ҳудудий божхона органи)

ёки

_______________________________________ га тақдим этилади.

(солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органи)

## АРИЗА

____________________________________________________

(корхонанинг тўлиқ номи)

____________________________________________________

_______________________________________ манзили бўйича жойлашган

1. Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ☐☐☐☐☐☐☐
2. Ташкил этилган санаси (кун/ой/йил) ☐☐ ☐☐ ☐☐☐☐
3. СТИР ☐☐☐☐☐☐☐☐☐
4. ХХТУТ ☐☐☐☐☐
5. Телефон: код ☐☐☐☐☐ номер ☐☐☐☐☐☐☐

____________________________________________________

(чиқарилаётган маҳсулот номи)

____________________________________________________

ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона эканлигини билдиради.

Имтиёзни қўллаш учун асос ______________________________

(норматив ҳужжатнинг номи)

**Ушбу маълумотларнинг ишончлилиги ва тўлиқлигини тасдиқлайман**

Раҳбар
СТИР ☐☐☐☐☐☐☐☐☐
Ф. И. Ш. ____________________
Имзо ____________________

Бош бухгалтер
СТИР ☐☐☐☐☐☐☐☐☐
Ф. И. Ш. ____________________
Имзо ____________________

Сана (кк/оо/йй) ☐☐ ☐☐ ☐☐☐☐

М.Ў.

Ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

Йиллик молиявий ҳисобот билан бирга тақдим этилади

____________________ га тақдим этилади.
(солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органи)

____________________
(корхонанинг тўлиқ номи)

____________________
____________________ манзил бўйича жойлашган

1. Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ☐☐☐☐☐☐☐

2. Ташкил этилган санаси (кун/ой/йил) ☐☐ ☐☐ ☐☐☐☐

3. СТИР ☐☐☐☐☐☐☐☐☐

4. ХХТУТ ☐☐☐☐☐

5. Телефон: код ☐☐☐☐☐ номер ☐☐☐☐☐☐☐

_______________йил учун

Ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқариш тўғрисида

**МАЪЛУМОТНОМА — ҲИСОБ-КИТОБ**

Имтиёзни қўллаш учун асос ____________________________________

(норматив ҳужжатнинг номи)

*минг сўм*

| Маҳсулот тури | Сумма | Умумий ишлаб чиқариш ҳажмида % ҳисобида |
|---|---|---|
| Ишлаб чиқариш ҳажми (ҚҚС ва акцизсиз ҳақиқатдаги нархларда), жами | | |
| шу жумладан | | |
| | | |
| улардан имтиёз тақдим этилган маҳсулот | | |
| | | |

**Ушбу маълумотларнинг ишончлилиги ва тўлиқлигини тасдиқлайман**

Раҳбар
СТИР ☐☐☐☐☐☐☐☐☐
Ф. И. Ш. ____________________________
Имзо ____________________________

Бош бухгалтер
СТИР ☐☐☐☐☐☐☐☐☐
Ф. И. Ш. ____________________________
Имзо ____________________________

Сана (кк/оо/йй) ☐☐ ☐☐ ☐☐☐☐

М.Ў.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҚАРОРИ

## 168 Хусусийлаштириш инвестиция фондининг намунавий эмиссия проспектига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 31 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 644-1*

*(2009 йил 10 апрелдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 278-модда) мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг 1998 йил 10 декабрдаги 18-сон ва Молия вазирлигининг 1998 йил 31 декабрдаги 30-01-12/333-сон билан тасдиқланган Хусусийлаштириш инвестиция фондининг намунавий эмиссия проспектига (1999 йил 19 февраль, рўйхат рақами 644) иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази Бош директори** **К. ТОЛИПОВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 25 март,
2009-23-сон

**Молия вазири** **Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 25 март,
40-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

## 169 Адвокатлик гувоҳномаси ва адвокатларнинг давлат реестрларини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 31 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1933*

*(2009 йил 10 апрелдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси «Адвокатура тўғрисида»ги Қонунининг 17-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1997 й., 2-сон, 48-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Адвокатлик гувоҳномаси ва адвокатларнинг давлат реестрларини юритиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

3. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (А. Инанбабаев) ҳамда Нотариат, ФҲДЁ ва адвокатура бошқармаси (Д. Якубова) ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ўн кун муддат ичида барча манфаатдор шахсларга етказилишини ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

4. Ушбу буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Е. Каньязов зиммасига юклатилсин.

**Адлия вазири** **Р. МУҲИТДИНОВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 31 март,
85-мҳ-сон

Адлия вазирининг
2009 йил 31 мартдаги 85-мҳ-сон буйруғига
ИЛОВА

## Адвокатлик гувоҳномаси ва адвокатларнинг давлат реестрларини юритиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси «Адвокатура тўғрисида»ги Қонунининг 17-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 2-сон, 48-модда) мувофиқ адвокатлик гувоҳномасининг шаклини ва уни бериш тартибини, шунингдек Адвокатларнинг йиғма давлат реестрини ва адвокатларнинг давлат реестрларини юритиш тартибини белгилайди.

### I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**адвокатлик гувоҳномаси** — адвокат мақомини тасдиқловчи ҳужжат;

**адвокатларнинг давлат реестрлари** — Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисида»ги Қонунига (бундан кейинги ўринларда Қонун деб юритилади) мувофиқ адвокат мақомига эга бўлган, адвокат мақоми тўхтатиб турилган, тикланган ва тугатилган шахслар тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек адвокат мақоми билан боғлиқ бошқа маълумотларни ўз ичига олган адвокатлик гувоҳномасини берган адлия органларининг маълумотлар базаси.

**Адвокатларнинг йиғма давлат реестри** — маълумотларнинг ягона базаси бўлиб, у Қонунга мувофиқ адвокат мақомини олган, адвокат мақоми тўхтатилган, тикланган ва тугатилган шахслар тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек адвокат мақоми билан боғлиқ бошқа маълумотларни ўз ичига олади.

2. Адвокат адвокатлик фаолиятини амалга оширадиган адвокатлик тузилмаси давлат рўйхатидан ўтказилган (ҳисобга олинган) жойда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаси (бундан кейинги ўринларда адлия органлари деб юритилади) томонидан адвокатлик гувоҳномаси берилади.

Адвокатлик гувоҳномаси Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида амал қилади ва унинг амал қилиш муддати чекланмайди.

3. Адвокатларнинг давлат реестрлари адвокатлик гувоҳномаси берилган жойдаги адлия органлари томонидан юритилади.

4. Адвокатларнинг йиғма давлат реестри Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан юритилади.

### II. Адвокатлик гувоҳномасининг шакли ва уни бериш тартиби

5. Адвокатлик гувоҳномаси (бундан кейинги ўринларда гувоҳнома деб

юритилади) Қонуннинг $3^1$-моддасига мувофиқ адвокат мақомига эга бўлишга талабгор бўлган шахсга (бундан кейинги ўринларда талабгор деб юритилади) адвокатлик тузилмаси рўйхатдан ўтказилган ёки талабгорнинг фаолият кўрсатаётган адвокатлик тузилмасига кирганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар адлия органи томонидан олинган пайтдан эътиборан уч иш куни ичида берилади.

Адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш (бундан кейинги ўринларда рўйхатдан ўтказиш деб юритилади) ва ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 мартдаги 60-сонли «Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш ва адвокатлик тузилмаларини ташкил этиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ амалга оширилади.

6. Гувоҳнома 1-иловага мувофиқ шаклда берилади.

7. Талабгор унга адвокатлик гувоҳномаси берилган кундан эътиборан адвокат мақомини олади, бу ҳол адлия органи раҳбарининг адвокат мақомини ва гувоҳнома бериш тўғрисидаги буйруғи билан расмийлаштирилади. Бу ҳақда адлия органи уч кунлик муддатда берилган гувоҳноманинг реквизитларини кўрсатган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг тегишли ҳудудий бошқармасини (бундан кейинги ўринларда ҳудудий бошқарма деб юритилади) ёзма равишда хабардор қилади. Шундай хабарнома олинган пайтдан эътиборан адвокат Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг аъзоси бўлади. Адвокатнинг Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасига кириш бадалларини тўлаш бўйича мажбуриятлари ҳудудий бошқарма раҳбари томонидан адвокатнинг Адвокатлар палатасига кириш тўғрисидаги буйруқ чиқарилган кундан эътиборан юзага келади.

Адвокат адвокатлик тузилмасини ташкил қилган ёки бошқа адвокатлик тузилмасига кирган ҳолда, ушбу адвокатлик тузилмаси рўйхатдан ўтказилган (ҳисобга олинган) жойдаги адлия органи томонидан унга янги гувоҳнома берилади.

8. Адвокатлик бюроси, адвокатлик фирмаси ёхуд адвокатлар ҳайъатини ташкил қилган талабгор ва (ёки) адвокат адлия органи томонидан кўрсатилган адвокатлик тузилмаларининг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома берилган куннинг эртасидан кечиктирмай ана шу адлия органига сўнгги 12 ой мобайнида қилинган 3 х 4 см ўлчамида рангли фотосуратидан 2 донадан тақдим этади.

Адвокатлик фирмаси, адвокатлар ҳайъати, ҳудудий бошқарма талабгор ва (ёки) адвокат тегишли адвокатлик тузилмасига (адвокатлик фирмаси, адвокатлар ҳайъати, юридик маслаҳатхона) кирган куннинг эртасидан кечиктирмай ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланган ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқнинг, адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нусхасини, сўнгги 12 ой мобайнида қилинган 3 х 4 см ўлчамдаги рангли фотосуратдан 2-донадан, шунингдек малака комиссиясининг талабгор томонидан адвокат қасамёдини қабул қилганлигини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорининг нусхасини адлия органига тақдим этади.

Гувоҳномани расмийлаштириш ва бериш адлия органи томонидан икки

кунлик муддатда амалга оширилади. Гувоҳнома адлия органининг раҳбари томонидан имзоланади.

9. Гувоҳноманинг рақами мазкур Низомнинг 12-бандида назарда тутилган расмийлаштирилган гувоҳномалар беришни ҳисобга олиш дафтаридаги тартиб рақамига мос бўлади.

10. Гувоҳноманинг ички томони компьютер техникаси ёрдамида тўлдирилади.

11. Лозим тарзда расмийлаштирилмаган, доғ туширилган ва ёзувлари ўчирилган гувоҳномалар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

12. Гувоҳномалар бланкалари ва расмийлаштирилган гувоҳномалар беришнинг ҳисоби 2, 3-иловаларга мувофиқ шаклларда ҳисобга олиш дафтарларида қайд этилади. Бунда расмийлаштирилган адвокатлик гувоҳномаларини беришни ҳисобга олиш дафтаридаги тегишли буйруқларнинг реквизитларида буйруқнинг санаси ва рақами кўрсатилиши керак. Ҳисобга олиш дафтарлари тикилган, уларнинг варақлари рақамланган, адлия органининг раҳбари имзоси ва муҳри билан тасдиқланган бўлиши ҳамда ёнмайдиган ёки махсус жиҳозланган шкафларда сақланиши керак.

13. Гувоҳнома талабгор ёки адвокатга у томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини кўрсатилганидан кейин шахсан ўзига берилади.

Агар адвокатга бошқа адвокатлик тузилмаси тузганлиги ёки адвокатлик тузилмасига кирганлиги муносабати билан янги гувоҳнома берилаётган бўлса, у ўзига янги гувоҳнома берилган пайтдан эътиборан амал қилиши тугатилган деб ҳисобланадиган аввал унга берилган гувоҳномани адлия органига қайтариши керак. Агар адвокат қайтарган гувоҳнома аввал бошқа адлия органи томонидан берилган бўлса, адлия органи бу гувоҳномани янги гувоҳноманинг реквизитларини кўрсатган ҳолда тегишли адлия органига юборади.

Гувоҳнома берилаётганда гувоҳноманинг қай даражада тўғри тўлдирилганлиги талабгор ёки адвокатнинг Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортидаги маълумотлар билан солиштирилади. Талабгор ёки адвокат гувоҳнома олганлиги тўғрисида расмийлаштирилган гувоҳномалар беришни ҳисобга олиш дафтарига имзо қўяди.

14. Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия (бундан кейинги ўринларда лицензия деб юритилади) қайта расмийлаштирилган ва дубликати берилган ҳолда адвокат қайта расмийлаштирилган лицензияни (лицензия дубликатини) олган кундан эътиборан уч кунлик муддат ичида гувоҳнома берган адлия органига қайта расмийлаштирилган лицензиянинг (лицензия дубликатининг) нусхасини ва сўнгги 12 ой мобайнида тушган 3 х 4 см ўлчамдаги рангли фотосуратидан 2 донасини илова қилган ҳолда янги гувоҳнома бериш тўғрисида ариза тақдим этиши шарт.

Янги гувоҳномани бериш адлия органи томонидан икки кунлик муддат ичида амалга оширилади. Бунда адвокат янги гувоҳномани олган пайтидан эътиборан амал қилиши тугатилган деб ҳисобланган аввалги гувоҳномани қайтариши керак.

Янги гувоҳнома берилгунга қадар, адвокат адвокатлик фаолиятини аввал берилган гувоҳнома асосида амалга оширади.

Адвокатлик фаолиятини мазкур банднинг биринчи хатбошиси талабларини бузган ҳолда амалга ошириш қонун ҳужжатларига мувофиқ адвокатнинг жавобгарлигига сабаб бўлади.

15. Адвокатнинг аризасига биноан йўқотилган ёки яроқсиз ҳолга келган гувоҳнома ўрнига янги гувоҳнома берилиши мумкин.

Йўқотилган ёки яроқсиз ҳолга келган гувоҳнома ўрнига янги гувоҳнома олиш учун адвокат гувоҳнома берган адлия органига гувоҳноманинг йўқотилганлиги ёки яроқсиз ҳолга келганлиги ҳолатларини кўрсатган ҳолда янги гувоҳнома бериш тўғрисида ариза тақдим этади.

Гувоҳнома йўқотилганлиги муносабати билан янги гувоҳнома бериш тўғрисидаги аризага матбуотда гувоҳнома йўқотилганлиги ва у ҳақиқий эмас деб топилиши ҳақида хабар эълон қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинади. Гувоҳнома яроқсиз ҳолга келганлиги туфайли янги гувоҳнома бериш тўғрисидаги аризага яроқсиз ҳолга келган гувоҳнома илова қилинади.

Йўқотилган гувоҳнома адвокат томонидан матбуотда хабар эълон қилинган кундан эътиборан ҳақиқий эмас деб топилади. Бу ҳақда адлия органи суд-тергов органларига маълум қилади.

Адлия органи гувоҳнома йўқотилганлиги ёки яроқсиз ҳолга келганлиги факти бўйича зарур бўлганда, тегишли ҳудудий бошқармани жалб қилиб, текширув ўтказади, унинг натижалари бўйича адвокат интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин. Кўрсатилган текширув натижаларига қараб, адвокат мақомини тўхтатиб туриш ва тугатиш учун асослар мавжуд бўлмаган тақдирда, янги гувоҳнома берилади.

Янги гувоҳнома берилган кундан эътиборан яроқсиз ҳолга келган гувоҳноманинг амал қилиши тугатилган деб ҳисобланади.

16. Мазкур Низомда назарда тутилган ҳолларда янги гувоҳнома бериш адлия органи раҳбарининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Адлия органи янги гувоҳнома берилганлиги тўғрисида уч кунлик муддат ичида берилган гувоҳноманинг реквизитларини кўрсатган ҳолда тегишли ҳудудий бошқармани ёзма шаклда хабардор қилади.

17. Адвокат адвокатлик тузилмасидан чиққанида (адвокат билан меҳнат шартномаси (контракт) бекор қилинганда) тегишли адвокатлик бюроси, адвокатлик фирмаси, адвокатлар ҳайъати ва ҳудудий бошқарма бу ҳақда куннинг эртасидан кечиктирмай гувоҳнома берган адлия органига маълум қилиши керак. Агар адвокатлик тузилмасидан чиқиш адвокатлик фаолиятини давом эттириш учун адвокатлик тузилмаси ташкил этиш ёки бошқа адвокатлик тузилмасига кириш билан боғлиқ бўлмаса, адвокат чиқаётган тегишли адвокатлик тузилмаси ёки ҳудудий бошқарманинг раҳбари адлия органининг кўрсатмасига биноан адвокатдан гувоҳномани олиб қўйиши ва гувоҳнома олиб қўйилган куннинг эртасидан кечиктирмай уни адлия органига қайтариши, айни бир вақтда меҳнат шартномаси (контракт) бекор қилинганлиги тўғрисидаги буйруқдан нусха тақдим этиши керак.

18. Адвокат мақомини тўхтатиб туриш ва тугатиш Қонунда назарда тутилган ҳолларда гувоҳнома берган адлия органининг қарори билан амалга оширилади. Ушбу қарор адлия органи раҳбарининг адвокат мақомини тўхтатиб туриш ва тугатиш тўғрисидаги буйруғи билан расмийлаштирилади, бу эса, тегишинча гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туришга ва тугатишга олиб келади. Агар адвокат мақомини тўхтатиб туриш лицензия амал қилишини тўхтатиб туриш оқибати бўлса, буйруқда бир вақтнинг ўзида лицензиянинг амал қилишини ва адвокат мақомини тўхтатиб туриш кўрсатилади. Адвокат мақоми тегишли буйруқ чиқарилган кундан эътиборан тўхтатиб турилади ва тугатилади.

Адлия органи уч кунлик муддат ичида адвокатнинг гувоҳномасини олиб қўяди, бундан адвокат бедарак йўқолган деб топилган ҳол мустасно ва тегишли ҳудудий бошқармасига адвокат мақоми тўхтатилганлиги ва тугатилганлиги ҳақида хабар беради.

19. Қонуннинг 13[1]-моддасига мувофиқ адвокат мақоми тўхтатиб турилган шахс адвокат мақомини тўхтатиб туриш учун асос бўлган ҳоллар тугатилганидан кейин уч ой ичида адвокатлик фаолиятига киришиши керак.

Адвокат мақоми тўхтатиб турилган шахс мазкур банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган муддат ўтишига камида ўн кун қолганида тегишли адлия органига адвокат мақомини тиклаш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилади. Аризага адвокат мақомини тўхтатиб туриш учун асос бўлган ҳоллар тугатилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинади. Адлия органи кўрсатилган муддатда аризани кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади. Адвокат мақомини тиклаш адлия органи раҳбарининг адвокатнинг мақомини тиклаш ва унга адвокат мақоми тўхтатиб турилганда олиб қўйилган гувоҳномани қайтариш тўғрисидаги буйруғи билан расмийлаштирилади.

20. Адлия органи тегишли буйруқни чиқарган сана гувоҳнома берилган, унинг амал қилиши тўхтатиб турилган ва тугатилган сана ҳисобланади.

21. Амал қилиши тугатилган гувоҳномалар, шунингдек, мазкур Низомда назарда тутилган ҳолларда ўрнига янги гувоҳномалар берилган гувоҳномалар йўқ қилиниши ва бу ҳақда акт тузилиши керак. Адлия органлари томонидан берилган йўқ қилиниши керак бўлган гувоҳномалар уларнинг ўзлари томонидан йўқ қилиниши амалга оширилади. Мазкур Низомнинг 11-бандида назарда тутилган гувоҳномалар ҳам шундай тартибда йўқ қилиниши керак.

22. Адлия органлари адвокат мақоми тўхтатиб турилганлиги, тикланганлиги ва тугатилганлиги тўғрисидаги хабарни оммавий ахборот воситаларида эълон қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 84-моддасига мувофиқ адвокатга гувоҳнома берган адлия органлари гувоҳнома берилган фактлар ҳақида тегишли давлат солиқ хизмати органларига, шунингдек, мазкур гувоҳноманинг амал қилиши тўхтатиб турилганлиги ёки тугатилганлиги тўғрисида маълумот бериши шарт.

23. Адвокат мақоми билан боғлиқ маълумотлар адлия органлари томонидан адвокатларнинг давлат реестрларига киритилади.

## III. Адвокатларнинг давлат реестрларини юритиш

24. Адвокатларнинг давлат реестрларига (бундан кейинги ўринларда реестр деб юритилади) тегишли адлия органи томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган (ҳисобга олинган) адвокатлик тузилмаларида ишловчи адвокатлар тўғрисидаги маълумотлар киритилади.

25. Реестрлар мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда юритилади.

26. Реестрлар қоғоз ва электрон шаклларда юритилади. Реестрнинг қоғоз шакли ягона нусхада журнал тарзида юритилиб, темир ёки махсус жиҳозланган шкафда сақланади.

Журнал тикилади, рақамланади ва унинг орқа томонида бетлар сони, журнални юритиш бошланган сана кўрсатилади, журналнинг варақлари адлия органининг раҳбари имзоси ва муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

Журнални сақлаш муддати 75 йил.

27. Адлия органининг раҳбари буйруқ билан расмийлаштирган ҳолда реестр юритилиши учун масъул бўлган шахсни белгилайди. Реестр юритилишида доғ туширилиши, ёзувлар ўчирилиши ва изоҳ берилмаган тузатишлар киритилишига йўл қўйилмайди. Реестрга киритилган ҳар бир тузатиш реестр юритилиши учун масъул бўлган шахснинг имзоси билан тасдиқланади.

28. Реестрда қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

адвокатнинг фамилияси, исми ва отасининг исми;

лицензия рақами ва берилган санаси;

адвокат ишлаётган адвокатлик тузилмасининг номи ва жойлашган ери (почта манзили);

адвокат мақоми берилганлиги;

адвокат мақоми тўхтатиб турилганлиги;

адвокат мақоми тикланганлиги;

адвокат мақоми тугатилганлиги;

реестрдан чиқарилганлиги.

Реестр адвокат мақоми билан боғлиқ қўшимча маълумотларни ўз ичига олиши мумкин.

29. Адвокат мақоми берилганлиги, тўхтатиб турилганлиги, тикланганлиги ва тугатилганлиги тўғрисидаги маълумотлар реестрда адлия органи раҳбарининг тегишли буйруғи реквизитларини кўрсатиш йўли билан акс эттирилади. Реквизитлар буйруқ санаси ва рақамини ўз ичига олиши керак.

30. Талабгорга адвокат мақоми берилганлиги муносабати билан гувоҳнома берилганда, реестрнинг 1 — 5-устунларига тегишли белгилар киритилади.

31. Реестрнинг 2 — 4-устунларида кўрсатилган маълумотлар ўзгариши

муносабати билан янги гувоҳнома берилганда, ана шу ўзгаришлар реестрда навбатдаги реестр рақами остидаги янги қаторга ўзгартирилган тегишли маълумотларни киритиш йўли билан акс эттирилади. Бунда бирламчи қаторнинг (яъни худди ана шу адвокат тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган қаторнинг) 10-устунига янги қаторнинг реестр рақамига ҳавола қилинган ҳолда тегишли маълумотлардаги ўзгаришлар тўғрисида белгилар киритилади, янги қаторнинг 10-устунида эса, бирламчи қаторнинг реестр рақамига ҳавола қилинади.

*Мисол. Реестрнинг 3-реестр рақами остига (1 — 5-устунларга) «ҲУҚУҚ» адвокатлар ҳайъатида ишловчи адвокат Б.С. Норматов тўғрисидаги маълумотлар киритилган. У бошқа адвокатлик тузилмаси — «ФЕМИДА» адвокатлик фирмасига кирган. Бу вақтга келиб, реестр рақамининг охиргиси 76 бўлган. Кўрсатилган ўзгаришлар реестрда қуйидагича қайд этилади. 77-реестр рақами остидаги қаторда 1 — 4-устунлар тўлдирилади, бунда 4-устунда янги адвокатлик тузилмаси тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади. Худди шу қаторнинг 10-устунида қуйидагилар ёзиб қўйилади: «3-реестр рақамига қаранг»: 3-реестр рақамининг 10-устунига қуйидагилар ёзиб қўйилади: «ФЕМИДА» адвокатлик фирмасига кирган, 77-реестр рақамига қаранг».*

32. Аввал бошқа адлия органи томонидан гувоҳнома берилган, яъни бошқа ҳудуд бўйича реестрда турган адвокатга янги гувоҳнома берилганда янги гувоҳномани бераётган адлия органи реестрнинг 1 — 4 ва 10-устунларига тегишли белгилар киритади. Бунда 10-устунда бошқа адлия органи томонидан адвокат мақоми берилганлиги ва унинг берилган санаси кўрсатилади.

Бундай ҳолда адлия органи ўзи аввал берган гувоҳномани олгач (мазкур Низом 13-бандининг иккинчи хатбошиси), реестрнинг 11-устунида асос сифатида адвокат тегишли ҳудуд бўйича реестрга киритилганлигини ва киритиш санасини кўрсатган ҳолда адвокатнинг реестрдан чиқарилганлиги тўғрисида белги қўяди.

*Мисол. Бухоро вилояти адлия бошқармаси томонидан фуқаро Т.К. Иброҳимовга адвокат мақоми берилганлиги муносабати билан унга 2009 йил 29 майда гувоҳнома берилган ва у тегишли реестрга киритилган. Кейинчалик эса, Т.К. Иброҳимов Самарқанд вилоятида рўйхатдан ўтказилган адвокатлик тузилмасига кирган ва унга 2009 йил 11 сентябрда янги гувоҳнома берилган. Шу муносабат билан Самарқанд вилояти адлия бошқармаси аввал Бухоро вилояти адлия бошқармаси томонидан адвокат Т.К. Иброҳимовга берилган гувоҳномани Бухоро вилояти адлия бошқармасига юборган. Мазкур ўзгаришлар Самарқанд ва Бухоро вилоятларининг реестрларида қуйидаги тарзда акс эттирилади. Самарқанд вилояти адлия бошқармаси реестрнинг 1 — 4-устунларини тўлдиради, 10-устунга эса, қуйидагиларни ёзиб қўяди: «Адвокат мақоми 2009 йил 29 майда Бухоро вилояти адлия бошқармаси томонидан берилган». Бухоро вилояти адлия бошқармаси реестрнинг 11-устунига қуйидагиларни ёзиб қўяди: «2009 йил 11 сентябрда Самарқанд вилояти*

*бўйича реестрга киритилганлиги муносабати билан реестрдан чиқарилган».*

